

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

*Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 712.24*

УРАЗАЛИЕВ УРОЛБЕК МАҲКАМБОЙ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ
ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-РЕЖАВИЙ
ТАШКИЛЛАШТИРИШДА ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**5А340103 - Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини
комплекс қуриш**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
арх.ф.н. Умаров М.У.
Илмий маслаҳатчи:
арх.ф.н.доц. Балгаев А.Б.**

Самарқанд - 2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	
I боб. Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг аҳамияти.....	
1.1.Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг тарихий шаклланиши.	
1.2.Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг ўрни ва замонавий ҳолати.....	
I-боб бўйича хулоса.....	
II боб. Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашувининг шаклланиши.....	
2.1.Қишлоқ ҳудудлардаги аҳоли жойлашуви шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	
2.2.Тизим ташкил қилувчи марказларнинг ривожланиши.....	
2.3.Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тузилмаси.....	
II боб бўйича хулоса.....	
III боб. Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктлар марказларини ривожлантириш тамойиллари.....	
3.1.Жамоат марказини шакллантириш ва меъморий ечимини ташкил этиш.....	
3.2.Маданий-маърифий ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил қилиш.....	
3.3.Хизмат кўрсатиш объектларини илмий лойиҳавий шакллантириш.....	
III боб бўйича хулоса.....	
Якуний хулоса.....	
Илова.....	
Адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Жамиятни ислоҳ қилишда миллий моделимизнинг муҳим жиҳатларидан бири - ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш механизмидан кенг фойдаланилмоқда. Бунда, авваламбор, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ 2000 йил 26 апрелдаги ПФ-2595-сон Фармони, 2005 йил 30 августдаги «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»² ПФ-165-сон Қарори, 2000 йил 14 августдаги «Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»³ 320-сонли қарорларининг талаблари шаҳарсозлик масалаларини ечишга катта имконият яратилганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президентининг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги”⁴ Давлат дастури тўғрисидаги 2009 йил 26

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»² ПФ-2595-сон Фармони// **ЎР ҚХТ**

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 августдаги «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»² ПФ-165-сон Қарори// **ЎР ҚХТ**

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги «Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»³ 320-сонли қарори// **ЎР ҚХТ**

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон

январдаги ПҚ-1046-сонли қарорида қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг бош режалари асосида турар жой бинолари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма иншоотларининг намунавий лойиҳаларига мувофиқ комплекс тарзда қуриш тизимини яхшилаш ва шу асосда қишлоқ қиёфасини ўзгартириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳаларини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида биринчи президентининг 2009 йил 27-январдаги ПҚ-1049-сонли қарорларига мувофиқ “Қишлоққурилиш-лойиҳа” бош лойиҳа-қидирув институти⁵ ташкил қилинди.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш "Ўзбек модели" нинг ўзига хос томонларидан бири истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқлармизни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга устуворлик мавқеининг берилганидадир. Айниқса намунавий қишлоқ уйлари комплекслари қурилиши авж олаётган бугунги кунда улрнинг жамоа марказларини шаклланиши масалаларини тадқиқ этиш бениҳоя долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти - жамоат марказлари шаклланишининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи республикамиздаги **қишлоқ аҳоли пунктлари**.

Тадқиқот предмети - жамоат марказларини шаклланиши ва меъморий ечимини ташкил этиш тамойиллари.

қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури// ЎР ҚҲТ

⁵ *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1049-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Қишлоққурилишлойиҳа » бош лойиҳа-қидирув институти// ЎР ҚҲТ*

Тадкикотнинг мақсади ва вазифалари. Биринчи президентининг И.А.Каримовнинг юқорида эслатиб ўтилган маърузасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган устивор йўналишлари қаторида қишлоқларда қурилаётган турар-жойлар ва жамоат биноларининг меъёрий ва меъморий хужжатларини яратиш ва унинг тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича ҳам вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимизнинг юқорида баён қилинган қишлоқларни ривожлантириш сиёсатидан келиб чиқиб, юртимиз қишлоқ аҳоли пунктларида жамоат марказларининг шаклланишини илмий ва услубий тамойилларини ишлаб чиқиш диссертациянинг мақсади ҳисобланади.

Бу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги илмий вазифаларни ҳал этиш талаб этилган:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг жамоат марказлари бинолари тизими ва типологиясини ўрганиш;
- жамоат марказларини шакллантирувчи омилларни тадқиқ ва таҳлил қилиш;
- юртимиз қишлоқлари шароитида жамоат марказларини шакллантириш тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш бўйича тавсияномалар бериш.

Илмий янгилиги. Республикамиз қишлоқларидаги жамоат марказларини ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича шаҳарсозлик фаолиятини такомиллаштиришга оид назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиш борасидаги илмий янгиликлар қуйидагиларда иборат:

- қишлоқлардаги жамоат марказларини ҳозирги ва келажакда ўзининг амалай аҳамияти бўйича тутган ўрнинг ўзига хос хусусиятлари.
- қишлоқларнинг жамоат марказларини ташкил қилишда умумий ва хизмат кўрсатиш марказларини вазифасини инобатга олган ҳолда ҳамда,

қишлоқларнинг бир хил суръатда ўсиши ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш.

Республикамиз қишлоқ пунктлари жамоат марказларини шакллантиришда таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Республикамиз қишлоқ аҳоли пунктларида барча шароитларга эга қишлоқларни ташкил этиш қонуниятларини ишлаб чиқиш ва чекка ҳудудлардаги аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга эришиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Шунинг тақдирини жоизки ушбу кунгача қишлоқ жойлари бош режаларининг меъморий ва меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ҳақида кўплаб олимлар турли хил фикрларни айтиб ўтишган.

Қишлоқ ҳудудларини режалаштириш, турар – жой ва жамоат биноларининг меъёрий ҳужжатларини яратиш, қишлоқларни ривожланиши, унинг муаммолари, ечимлари ва бошқа турли хил ҳолатлари жаҳоннинг кўплаб шаҳарсоз архитектор намоёндалари томонидан ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Жумладан Томас Мурнинг дастлабки утопиясидан тортиб, замонавий фантастларнинг асарларида ҳам бу каби изланишлар замирида инсон ҳаётини тўғри ташкил қилиш ётади. Уларнинг аксарияти инсонни табиат билан яқинлаштириш, яшаш жойларига табиат элементларини киритиш фикрини олдинга суради.

А.В.Буниннинг “История градостроительного искусства”⁶ номли китобида шаҳарсозликнинг ўзига хос қонуниятлари муаммолари ва уларга қандай ечимлар асосида барҳам бериш тўғрисида ёзиб ўтилган.

Иконников А.В.нинг “Основы градостроительства и планировки сельских населённых мест”⁷ китобида шаҳарсозликда турар – жой

⁶ Бунин А. В. ва Саваренскаялар Т. Ф., “История градостроительного искусства”, т. 1-2, 2 изд., М., 1979;

қурилмаларини архитектуравий – фазовий композитсияси усуллари ва умумий фойдаланишга мўлжалланган кўкаламзорлаштириш меъёрлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш, саноат бинолари лойиҳалаштириш ҳақида умумий тушунчалар келтирилган.

Шунингдек, Витруви, А.Палладио, Ж.Осман, Ле Корбюзье, Л. Коста, Р.Камело, Ж. де Майи, Б.Зерфюсс, С.Бакстрём, Л.Рейниус, А.А.Мидоянц, В.М.Фромзель, Н.Г.Агеева, С.А.Ковалев ва бошқа шу каби шаҳарсоз-архитекторларнинг тадқиқотлари ва амалга оширган ишлари натижасида шаҳарсозлик ва қишлоқ пунктларини режалаштириш масалалари ўз аксини топган.

Ўзбекистонда архитектура ва шаҳарсозлик фаолияти бўйича кўплаб тадқиқотчи олимлар ўз изланишларини олиб боришган бўлиб, бу борада М.Қ.Аҳмедовнинг “Шаҳарлар эстетикаси” ўқув қўлланмасида жамоат марказларининг жойлашуви, тарихи, эстетикаси ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д. Латиповлар ҳам бир неча ўқув қўлланмаларида қишлоқ аҳоли пунктларини жамоат марказларини ташкил этиш ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Д.У.Исамухамедова ва Л.А.Адиловаларнинг “Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси”⁸ ўқув қўлланмаси дунё шаҳарсозлигининг ривожланиш тажрибасини ёритиш билан бирга Ўзбекистон шаҳарсозлигининг ўзига хос томонларини кўрсатиб берган. Бу китобда юртимизнинг табиати, иқлими, архитектураси ва шу каби муҳим масалаларнинг шаҳарсозликдаги ўрни кенг очиб берилган.

Юртимиздаги қишлоқларнинг жамоат марказларига эҳтиёжи юқорилиги ва республикаимизнинг чекка ҳудудларидаги кичик қишлоқлар жамоат марказларини ҳам катта шаҳарлар каби шакллантириш кераклиги

⁷ Иконников А.В., “Основы градостроительства и планировки сельских населённых мест”. М., 1982

⁸ Д.У.Исамухамедова ва Л.А.Адилова “Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси”. Ўқув қўлланма. Т., 2009й.

муҳим масала бўлиб турибди. Шу кичик қишлоқларга жамоат марказларини режалаштириш қонуниятларини яратиш, турмуш-тарзини яхшилаш, майиши хизмат биноларини меъморий ва меъёрий ҳужжатларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, барча қулайликларга эга бўлган қишлоқларга айлантириш масаласини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат Архитектура ва Қурилиш қўмитаси қарор ва меъёрий ҳужжатлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ва амалий ишлари, шунингдек, архитектура ва шаҳарсозлик масалаларига оид бошқа адабиётлар ушбу тадқиқотнинг методологик ва назарий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ аҳоли пунктлари жамоат марказларини бош режаларини ишлаб чиқишнинг янги концепцияси келиб чиқиб, тизимли таҳлил, ўзаро таққослаш ва узоқ муддатли режалаштиришга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари кенгайтирилиши аҳолисининг сони 100 дан 500 гача бўлган кичик қишлоқлар ва аҳолисининг сони 1000 дан 5000 гача бўлган қишлоқлар ҳамда кўпгина оралик вариантлар мавжуд бўлган жойлаштиришнинг турли шакллари мавжуд булиши тўғри эканлигини белгилаб беради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг табиий равишда шаклланган тармоқларини тубдан ўзгартирмай туриб, уларнинг барча ўзига ҳос хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиш ва жойлаштиришнинг ягона тизимида самарали фаолият кўрсатиши учун энг мақбул йўللарни топишдан иборат.

Кичик қишлоқларни сақлаб қолиш муаммоси иқтисодий ва гуманитар мақсадларга қаратилган. Мавжуд қишлоқ аҳоли пунктлари, аксарият ҳолларда, нафақат тарихий-маданий қийматга эга, балки, ушбу объект бўлмаган ҳолда, ўз қиёфасини йўқотиб қўювчи ландшафтнинг узвий қисми ҳамдир.

Кичик қишлоқ пунктлари аҳолисининг турмуш шароитларининг яхшиланиши ва уларни маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг (мактабгача таълим муассасалари, ўқув муассасалари, қишлоқ тиббий пунктлари, маданий-оқартув ва соғломлаштириш марказлари) ягона тизимига жалб қилиниши энг асосий ижтимоий самараларнинг бири ҳисобланади. Илмий тадқиқот ишларини олиб боришда таҳлил қилиш, аналитик ҳисоб китоб, солиштиришлар, вариантлар, графиклар, иқтисодий математика моделлаштириш ва бошқа усуллар қўлланилади.

Шунингдек, диссертацияда умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар ижтимоий соҳада фойдаланиладиган Шаҳарсозлик ва қишлоқ пунктларида жамоат марказларини шаклланиши ва меъморий ечимини ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқиш фаолиятининг таҳлили билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур ўрганишга асосланган бўлиб, улардан келажакда янгидан-янги ишлаб чиқиладиган илмий-тадқиқот ва амалий ишларида фойдаланиш мумкин ҳамда, қишлоқ фуқаролар йиғини бош режаларини ишлаб чиқишда асосий концепсия бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, уч бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб ва қуйидагиларни ўз ичига олган:

I-боб “Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг аҳамияти” масалаларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг тарихий шаклланиши, Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг ўрни ва замонавий ҳолати таҳлили қараб чиқилган.

II -боб “. Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашувининг шаклланиши” масалаларига бағишланган бўлиб, унда Қишлоқ ҳудудлардаги аҳоли жойлашуви шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, тизим ташкил қилувчи марказларнинг ривожланиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тузилмаси қараб чиқилган.


III – боб “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктлар марказларини ривожлантириш тамойиллари” масалаларига бағишланган бўлиб, унда Жамоат марказини шакллантириш ва меъморий ечимини ташкил этиш, маданий-маърифий ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил қилиш, хизмат кўрсатиш объектларини илмий лойиҳавий шакллантириш қараб чиқилган.

I- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИШЛОК ЖАМОАТ МАРКАЗЛАРИНИНГ АХАМИЯТИ

1.1. Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг тарихий шаклланиши

Ибтидоий жамоа давридан бошлаб, то шаҳарлар пайдо бўлган давргача бўлган аҳоли яшаш пунктларида жамоат бинолари ва марказлари шаклланиб, ривожланиб борди ва қишлоқлар вужадга кела бошлади. Илк жамоат марказлари: ибодатхоналар, савдо бинолари, ишлаб чиқариш марказларидан шаклланган⁹. Қишлоқ марказларининг кўпчилиги учун умумий бўлган иншоотлар мавжуд бўлган. Булар чойхона, мадраса ёки хўжалик ва маъмурий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган хужралар бўлган.

Илгари карвонлар ўтадиган қишлоқнинг марказлари ривожланиб борган (1-расм). Карвонлар учун алоҳида бинолар - меҳмонхоналар, юкларни тушириш учун махсус омборхоналар, туялар учун молхона, дам олиш хоналари, ошхоналар вужудга кела бошлаган.



1-расм

Карвонлар ҳар 30-35 киллометр масофа босиб ўтганда ҳордиқ чиқариш учун бирор карвонсаройларда тўхтаб ўтишган. Тарихий манбааларда ёзилишича 2200 йил илгари пойтахтимиз Тошкент ўрнида аввал аҳолиси тахминан 2000 кишилик «Шаш» қишлоғи бўлган. Бу қишлоқдан «Буюк ипак йўли» кесиб ўтгани учун бу ерда карвонсаройлар вужудга келган. Шу карвонсарой атрофида жамоа марказлари шаклланган. Бозор, меҳмонхона, ишратхона, умумий овқатланиш бинолари,

⁹ Аҳмедов М.Қ. “Шаҳарлар эстетикаси” ўқув қўлланма, Тошкент 2014 й;

омборхоналар, тиббиёт хоналари ва масжидлар аҳолига жамоа маркази сифатида хизмат қилган. Карвон келган қишлоқ марказларида ўз-ўзидан савдо марказлари вужудга келган. Маҳаллий аҳоли карвон молларини харид қилиш учун бу марказларга ташриф буюрган. Маҳсулот



айирбошланган.

Шунингдек карвон савдогар-лари турли мамлакатлардан хар-хил янгиликлар олиб келишган, маҳаллий аҳоли дунёда содир бўлаётган янгиликлардан бохабар бўлиб турган.

2-расм

Махсус ташкил этилган майдонларда эса байрам кунлари аҳоли йиғилиб сайллар ўтказадиган, миллий ўйинлар ўйнайдиган жой бўлган (2-расм).

Хизмат кўрсатиш объектларидан - устахоналар, тегирмон, тиббий пунктлар ва ибодатхоналар ривожланиб борган. Жамоат марказлари аҳолининг эҳтиёжлари ва замонга талабига биноан ўзгариб, ривожланиб келган.

Жамоат марказидаги биноларнинг бир нечаси бир ерда бунёд этилган. Шунинг учун бир неча иморат бир-бирининг нуфузига қўшимча кўрк бўлиб янада серхашамлироқ қилиб кўрсатган. Бинолар турлича функционал жиҳатларни – маъмурий, тижорат, маданий- маиший, маърифий гуруҳларини ташкил этган.

Марказий Осиёнинг ўрта асрлардаги шаҳарсозлигида шаҳарларнинг мадина – дохил ёки шаҳристон деб аталадиган асосий қисмининг негизини ўзаро кесишиб ўтган икки йўлнинг чорраҳаси – чорсу ташкил этган. Масалан, Тошкентда ҳам Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қўқон, Наманган,

Андижон, Гиждувонда ҳам ва яна бир қатор бошқа ерларда ҳам бу жойлар ҳозирги кунга қадар ўз номини сақлаб келмоқда. Регистон майдонлари ҳам катта шаҳарлар учун зарурий шаҳарсозлик элементи бўлган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Андижонда ҳозиргача бу номлар ўрта асрлардаги шаҳарнинг бош майдонини англатиб туради¹⁰.

Аҳоли йиғиладиган майдонларни одатда кўчалар кесиб ўтган. Қишлоқ аҳолисининг шаҳар марказига чиқадиган йўлларнинг бир чеккасида



3-расм

жойлашган бўлган. Бу ердан марказга бориш йўли ўтганлиги туфайли қишлоқ маркази форс-тожик тилида гузар (ўтиш жойи) деб аталади. Шаҳар марказлари турли иморатлардан ташкил топган бўлса, қишлоқ марказларининг кўпчилиги

учун умумий бўлган иншоотлар мавжуд бўлган. Булар даставвал қишлоқ аҳолиси фойдаланишга мўлжалланган масжид ва ҳовуз. Бу икки иншоот зарурий бўлиб барча қишлоқ марказларида мавжуд. Бундан ташқари учрайдиган бинолар бу мактаб, чойхона, мадраса ёки хўжалик ва маъмурий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган хужралар.

1.2. Ўзбекистонда қишлоқ жамоат марказларининг ўрни ва замонавий ҳолати

1953 йилда иккинчи жаҳон урушида қатнашган барча шаҳар ва қишлоқлар қайта тикланган. Шундан сўнг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг кўпчилигининг асосий қисми қишлоқлардан ташкил топгани учун «хутор» системасига ўтиш яъни қишлоқларни тўпланган ҳолда шакллантириш таклифи илгари сурилди. Катта

¹⁰ Аҳмедов М.Қ. “Шаҳарлар эстетикаси” ўқув қўлланма, Тошкент 2014 й;

қишлоқларнинг атрофидаги кичик аҳоли пунктларини бир жойга йиғиб шакллантирилган. Латвия, Эстония ва Литва давлатлари эса «хутор» системасини қабул қилмаган. Қаерда кичик аҳоли пунктлари бўлса улар ўша жойдаги ерларни ўзлаштираверган ва уларга умумий бўлган жамот марказини ташкил этиб берган. Шунингдек бундай ҳолатни Америка

Қўшма Штатлари, Канада қишлоқларида ҳам учратиш мумкин.

Жаҳон миқёсида ҳозирги кунда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш кенг йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир



қишлоқ жойлашган географик жойи ҳисобга олган ҳолда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган жамот марказлари шакллантирилмоқда. Мисол учун, Араб давлатларидаги иссиқ иқлим ҳисобга олинган ҳолда жамоат марказларини салқинлатиш мақсадида яшил майдонларни кенгроқ шакллантириб, сув ҳавзаларидан кўпроқ фойдаланилмоқда (4-расм).

Юртимизда ҳам кейинги йилларда замонавий лойиҳалар асосида курилаётган кўркем уй-жойлар юртимиз қишлоқлари қиёфасини тубдан



5-расм

ўзгартириб юборди. Бугун нафақат ушбу янги уйлар, улар атрофида қад ростлаган кўркем гузарлар, бир-биридан чиройли ижтимоий объектлар қишлоқ одамлари турмушига файзу-барақа олиб кирмоқда.

Лекин тан олиб айтиш керакки республикаимиз бази қишлоқларида ҳозирги кунда жамоа марказлари деярли йўқ даражада. Мавжуд жамоат

марказлари ҳам бетартиб жойлашган бўлиб, кўпчилиги талаб даражасида эмас. Баъзи бир жамоат бинолари ишламаётгандан унда аҳоли омборхона сифатида фойдаланаётганини ёки умуман ташландиқ ҳолатда ва савдо марказлари бўлмаганлиги учун ҳар хил жойларда “ёйма бозорча” лар кўпайиб кетганлигини учратишимиз мумкин (6-расм). Ноқулай жойлашган йўллар эса аҳолига қийинчилик туғдирмоқда. Қишлоқ аҳолисининг хизмат кўрсатиш объектларига эҳтиёжи туғилса, бунинг учун узоқ масофада жойлашган вилоят ёки шаҳар марказларига боришга мажбур бўлади.

Муҳтарам президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек қишлоқларимиз турмуш-тарзини яхшилаш, шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутни йўқотиш, керак бўлса қишлоқларда



6-расм

турмуш-тарзини шаҳарникидан ҳам яхши шакллантириш керак.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этилиши меҳнат ресурсларидан фойдаланиш доирасининг кенгайтирилишини, хизмат кўрсатиш соҳасининг шаҳар маданиятига хос бўлган илғор стандартларга асосланган шаклда тақдим этилишини, юқори даражадаги умумий ва

профессional таълим олиш учун зарур бўлган имкониятлар яратилишини, бўш вақтдан оқилона тарзда фойдаланишни назарда тутди. Шунинг учун ҳам, функционал равишда йўналтирилган аҳоли пунктларининг республиканинг қишлоқ ҳудудларида мақсадли равишда ривожлантирилиши ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилиши ва жамоат марказларини шаклланиши билан боғлиқ бўлган энг муҳим

ижтимоий-иқтисодий вазифалар сирасига киради. И.А.Каримов ҳам ана шу жиҳатларга урғу берган ҳолда, хусусан, қуйидаги: «Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратсак, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин.» - деган фикрни айтиб ўтади. Шу билан бирга қишлоқнинг энг долзарб муаммоларидан бири, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ортиқча меҳнат ресурсларининг индустриал соҳаларга, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиниш масаласи ҳал қилинади»¹¹.

Ана шу масалаларнинг ҳал қилинишида шаҳарсозлик фаолиятига катта аҳамият берилади, сабаби ҳаёт фаолияти ва фазовий шаклларнинг уйғунлиги, уларнинг ўзаро мувофиқ ва монанд бўлиши айнан шаҳарсозлик воситалари ёрдамида амалга оширилади.

I боб бўйича хулоса

Маълумки “Буюк ипак йўли”даги давлатлар асрлар давомида ривожланиш ўчоғи бўлган, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидан бу йўлнинг ўтганлиги юртимиз учун катта таъсир кучини ўтказган. “Буюк ипак йўли”да юрган савдо-сотиқ карвонлари 30-35 км оралиғида турли шаҳар ва қишлоқларда тўхтаганлар. Карвонлар тўхташ жойларида эса карвонсаройлар барпо этилган. Карвонсаройларда меҳмонхона, чойхоналар, от-улов учун отхоналар, олиб келинган юклари учун бозорлар ташкил этилган. Маҳаллий аҳоли учун бу карвонлар янгилик манбайи

¹¹ И.А.Каримов. *Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиши йўлида*. Т. – “Ўзбекистон”, 1995. – 68-69-бетлар.

бўлган. Карвонлар турли давлатлардан нафақат савдо моллари, балки илмий янгиликлар, китоблар ва хоказалар олиб келишган. Асрлар давомида карвонсаройлар атрофида қишлоқлар, шаҳарлар барпо этилган. Карвонсаройлар атрофидаги қишлоқларнинг ўз жамоат марказлари-гузарлари, мадрасалари ва хоказолари бўлган ва улар ўзаро йўллар билан боғланган.

Бугунги кунда Шаҳарсозлик муаммолари, одатда, ҳар бир шаҳар ёки посёлка учун алоҳида, бошқа аҳоли пунктлари билан алоқа ва боғланишларни ҳисобга олмасдан туриб ҳал қилинмоқда. Натижада, аҳоли пунктларининг шаклланган тармоғи ва аҳоли пунктларининг катталиги ҳамда функционал ихтисослашувига кўра ўзаро боғлиқ тарзда ривожланиш тенденциялари ўртасида номувофиқлик юзага келмоқда.

Яқин кунларгача урбанистика бўйича аксарият тадқиқотлар, гарчи урбанизация жараёни давомида шаҳарларнинг алоқалари кенгайиб, чегаралари ёйилиб кетсада, асосан шаҳарларга бағишланар эди. Ривожланаётган шаҳарлар ўз таъсир зоналарини фаол кенгайтирган ҳолда қишлоқ жойлардаги турмушга сезиларли даражада таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам уларнинг истикболли ривожланиши масалалари ён-атрофдаги қишлоқ аҳоли пунктларини ҳисобга олиб туриб ҳал қилиниши лозим.

Ривожланган илм ва таълим ҳамда ижтимоий инфратузилмаларга эга бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашув тизими ва ишлаб чиқаришнинг аксарият қисми талабларига тўлиқ жавоб бера олмайдилар ва ривожланиш суръатлари ошишига тўсқинлик қиладилар. Автоном жойлашувнинг самарасизлиги ушбу тизим ижтимоий талабларга зид эканлиги орқали намоён бўлади. Сабаби, аҳоли ўқимишлилиги ва маданияти даржасининг ўсиши унинг мобиллигини оширади, яшаш муҳити яхшиланишига, қишлоқ аҳоли пунктларидаги инфратузилма ривожланиши даражасига нисбатан ошиб бораётган талабларни

рағбатлантиради. Шу сабабдан ҳам, аҳолининг меҳнат қилиши, таълим олиши, маиший турмуши ва ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган жойларнинг турлича бўлиши қишлоқ жойлардаги жойлашув тизимини истиқболли ташкил этилишининг энг муҳим ижтимоий мезони сифатида қабул қилинади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

2.1. Қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли жойлашуви шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари

Турли типдаги аҳоли пунктларининг, жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг шаклланиши кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий омилларга асосланган ҳолда, аҳоли жойлашуви тизими ривожланишининг тарихий жараёнлари доирасида амалга ошади. Аҳолининг жойлашуви умумий кўринишда қуйидагича таърифланади аҳолининг географик маконнинг муайян пунктларида ҳудудий жойлашиш жараёни ва ушбу жараён натижаси аҳоли сони, бажарадиган вазифалари, режали ташкил этилиши ва қурилиши билан фарқланувчи аҳоли пунктлар тармоғи.

Ўзбекистондаги қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий жойлашув тизими узоқ давр мобайнида давом этган ривожланиш жараёнида, аҳоли пунктлари сони ўзгариши, аҳолининг улар орасида қайта тақсимланиши, уларнинг ўзаро функционал дифференциацияси ва интеграцияси натижасида шаклланган. Республикадаги аҳолини жойлаштириш тузилмасини динамикаси аҳоли пунктлари янада чуқурроқ хўжалик ихтисослашуви билан тавсифланувчи функционал дифференциация йўналишида кечган. Шу сабабдан, аҳолининг бугунги кундаги жойлашуви маъмурий-бошқарув функцияларини бажаришига қараб оддий ва ташкил этувчи марказлар сифатида шаклланган шаҳарлар, шаҳар типдаги посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўринишида берилади. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси ўзидаги аҳоли пунктлари (ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳоли пунктлари) жойлашувининг шаклланиши ва ўрнининг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Қуйида аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини умумий ҳолда кўриб чиқамиз.

Ушбу тизим "Ўзбек модели,, номи билан бутун дунёга танилган

давлатлар аро юзага келган ва аҳолини ўзни - ўзи бошқариш органи бўлиб, хизмат қилади.

Бундай тизим талаблар қишлоқ аҳоли пунктларида маҳалла фуқаролар йиғинига архитектура ва шаҳарсозлик қиёфасини янги поғонага кўтарилишига, замон талабига жавоб беришини кўзда тутилган.

Республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларида ўртача маҳаллар аҳолиси 800-1200 кишини ташкил қилади ёки 200-250 хонодон бўлиб Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида 2500-3000 кишини ташкил қилади ёки 500-600 хонодон ташкил қилади.

Аҳолининг, айниқса, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларининг яхшиланиши республикаимизнинг аграр секторида жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир этилишини назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси биринси президенти И.А.Каримов мазкур муаммога доимо жиддий эътибор қаратиб келган ва шунинг учун ҳам 2009 йил “Қишлоқ ривожланиши ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши бежиз эмас. Қабул қилинган Давлат дастури яқин келажакда алоҳида эътибор қаратилиши ва бажарилиши лозим бўлган ишлар моҳияти, мазмуни ва йўналишларини аниқ белгилаб берди. Дастурнинг устувор вазифалари каторида “қишлоқ ҳаёти ва қиёфасини тубдан яхшилашга қаратилган узоқ муддатли, ўзаро чамбарчас боғлиқ чораларнинг кенг мажмуасини амалга ошириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, мулкдор, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, роли ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш” каби вазифалар киради.

Иқтисоди ислохатларни амалга ошириш “Ўзбек модели” нинг ўзига ҳос томонларидан бири истиқлолнинг даслабки йилларидан бошлаб қишлоқларимизни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга устуворлик мавқеининг берилганидадир. Зеро, юртбошимиз

таъкидлаганидек миллатимизнинг илдизи қишлоққа бориб тақалади. Шу боис ҳам қишлоқларимизни ривожлантирмасдан туриб, давлатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўқин-сочинлигини таъминлаб бўлмайди.

*Қишлоқ фуқаролар йиғини жойлашувнинг маҳаллий тизмининг
элементлар.*

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ўрғинлари тўғрисида”ги Қонунида шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ўрғинлари деб белгиланган.

Президент сиёсати асосий мақсади: Биринчидан, кўп асрлик миллий кадриятларини тиклаш; Иккинчидан, сиёсий мақсад: президент томонидан тикланган «махалла» (гузар) институти замон талабига жавоб бериши керак.

Шаҳар ва туман ҳокимияти ҳуқуқ ва мажбуриятлари аҳоли ўз-ўзини бошқариш органлари—махаллалар ва қишлоқ фуқаролар йиғинига топширилди. ҚФЙлар ўзини бошқариш бош органларига айланди. ҚФЙлар фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиши асосий вазифаси деб юклатилди. ҚФЙлар норматив ҳужжат актларини мустақил қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган 109та маҳалла фуқаролар йиғини шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳоли пунктларида 1477 та, овулларда 141, йирик шаҳарларда 2044 МФЙ фаолият кўрсатмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш ўрғинлари фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишда кўмак берадилар, ўз ҳудудидаги ижтимоий ва ҳўжалик масалаларини ҳал қилиш, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, Халқ

депутатлари кенгашлари ва ҳокимлар қарорларини ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви ўрдинларига ёрдам беради. Ўзини ўзи бошқариш ўрдинлари ҳудудий принцип асосида ташкил этиладилар.

Фуқаролар йиғини: фуқаролар йиғинининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, тегишли ҳудуд доирасида ободонлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини;

-фуқаролар йиғини кенгаши раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, уларнинг йиллик ҳисоботларини эшитади;

-ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун ихтиёрийлик асосида аҳоли, мулкчиликнинг турли шакллари асосида фаолият юритувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар маблағларини йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

-пул маблағлари сарфланишини назорат қилади, зарур ҳолларда тафтиш комиссиясини тузади ва у тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

-ўз ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устахоналар, халқ хунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

-маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ҳақида тегишли давлат ўрдинларига илтимосномалар киритади;

-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

-посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)нинг шахсий томорқа хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратилиши, тўғрисидаги

тақдимотларини тасдиқлайди;Посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ер ажратиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

Лойиҳаларда табиий-иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қўлланувчи ҳудудлар



Қурилиш-иқлимий минтақаларнинг тавсифномаси ва минтақаларнинг табиий-иқлимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда уй-жой ва жамоа биноларининг лойиҳалаш бўйича талаблар

Қурилиш-иқлимий минтақаларнинг тавсифномаси, I-минтақа.

Худуд узок муддатли ёзги жазирама, ҳавонинг чангланиш даражаси юқори ва қишда ҳарорат совуқ бўладиган саҳро иқлимига эга.

Ёзги ҳаво ҳарорати: Плюс 39,2⁰С

Қишки ҳаво ҳарорати:

Минус 20⁰С

Аҳоли пунктлари жамоат марказлари лойиҳавий ечими ёзги

жазирамадан, шамол ва чангдан ҳимояланиши керак. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари биноларининг ихчам, ёпиқ ёки ярим ёпиқ, хизмат кўрсатиш хоналарини шамол ва чангдан ҳимояланган ҳовли томонга очилишини таъминловчи максимал кенг корпусли режавий ечимларини қўллаш тавсия этилади.

Аҳоли пунктлари жамоат марказлари ҳовлисида фаввора ландшафтларини, кичик архитектура формалари билан композиция яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қурилиш-иқлимий минтақаларнинг тавсифномаси, II-минтақа.

Табиий-иқлимий ва ландшафт шароитлари қулай бўлган тоғ олди воҳалар, водий ва паст тоғли ҳудудлар.

Ёзги ҳаво ҳарорати: Плюс 35,7⁰С

Қишки ҳаво ҳарорати: Минус 15⁰С

Аҳоли пунктлари жамоат марказлари биноларининг меъморий-режавий ечимлари иқлимнинг мақбул шароитларидан максимал тўлиқ тарзда фойдаланишга ва шу билан бирга жазирама иссиқдан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим.

Жазирамадан ҳимояланиш иморатни соялаш, аҳоли пунктлари жамоат марказларининг ташқи муҳитга очилиши, салқин шамолларнинг мақбул йўналишларини ҳисобга олган ҳолда очик ва бурчакли шамоллатиш ҳисобига таъминланади. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари ҳовлисида фаввора ландшафтларини, кичик архитектура формалари билан композиция яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Қурилиш-иқлимий минтақаларнинг тавсифномаси, III-минтақа.

Қишки экстремал шароитларга эга бўлган тоғли ҳудудлар


Ёзги ҳаво ҳарорати:Плюс 30⁰С

Қишки ҳаво ҳарорати:Минус 20⁰

Ўзбекистон республикасининг ўзини-ўзи бошқариш ўрганларининг схематик кўриниши.



Вилоятлар миқёсида ўзини-ўзи бошқариш ўрганларининг схематик кўриниши.



Қишлоқ аҳоли пунктлари жамоат марказларини шаклланиши уч поғонадан иборат бўлади.

Биринчи поғонада - ҳар куни ишлатиладиган жамоат бинолари

-Кундалик хизмат кўрсатиш объектлари: маҳалл фуқоролар жамоат биноси, кундалик учун керак бўладиган маҳсулотлар дўкони, болалар боғчаси, болалар учун ўйин майдончалари, катта ёшдаги аҳоли дам олиши учун майдончалар. Ушбу бинолар қишлоқ аҳоли пунктларида маҳалла марказлари бўлиб у ўзининг архитектуравий ечими билан қишлоқларимизнинг кичик марказларига айланиб қолади. Узоқ масофаларда жойлашган маҳалла гузарларида 1-4 синф бошланғич мактаблари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари (банк филиали, коммунал хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқалар) қўшилиб лойиҳаланади. (30 дақиқагача) етиб олиши мумкин бўлган радиусда жойлаш-тирилади.

Иккинчи поғонада ҳафта орасида хизмат кўрсатадиган жамоат бинолари

Мактаб ва унинг спорт майдони қишлоқ фуқоролари йиғини медицина бинолари дам олиш маскани маиший курсатиш ва коммунал кўрсатиш ва бошқа бинолар киради -ишлаш жойлари.

Учинчи поғонада - эпизодик узоқ муддат фойдаланадиган жамоат бинолари

-Катта ёшдаги аҳолининг ҳар йилги меҳнат таътили ва мактаб ёшидаги болаларнинг ёзги таътиллари вақтидаги эпизодик, узоқ муддатли дам олиши учун мўлжалланган дам олиш масканлари – санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар, мотеллар, болаларнинг соғломлаштириш муассасалари, болалар муассасаларининг ёзги боғ ҳовлилари.

Бундай талаблар қишлоқ аҳоли пунктларида маҳалла фуқаролар йиғинига архитектура ва шаҳарсозлик қиёфасини янги поғонага кўтарилишига, замон талабига жавоб беришини таъминлайди.

Республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларида маҳаллар аҳолиси 800-1200 кишини ташкил қилади ёки 200-250 хонадон бўлиб

Шаҳарсозлик хужатлари асосида маҳалла аҳолиси 800-1200 бўлса; маҳалла фуқоролари (гузр) биноси,(0.5 га) 140-180 ўринли боғча биноси,(1.0га) кундалик харит қилиш моллари учун дўкон, (0.6га) боллр майдончаси (0.06га) ёши катталар учун дам олиш худуди, узоқ масофаларда жойлашган маҳалла гузарларида 1-4 синф бошланғич мактаблари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари (банк филиали,коммунал хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқалар) кўшилиб лойихаланади.

1. Тизим ташкил қилувчи марказларнинг ривожланиши

Аҳоли пунктлари жамоат марказлари биноларининг меъморий-режавий ечимлари қишдаги экстремал иқлимий таъсирлардан ишончли тарзда ҳимояланишни, шунингдек тўғри ва қайта қияликларга эга бўлган мураккаб рельефларда қўлланилишини ҳисобга олиши керак

Аҳоли пунктлари жамоат марказлари ховлисида фаввора ландшафтларини, кичик архитектура формалари билан композиция яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 2015 йил 1-январь ҳолатидаги сони 31,5 миллион кишини ташкил қилади. Таъкидлаш лозимки, Республика ичидаги, туманлардаги жойлашув ва урбанизация даражаси ҳамда аҳоли зичлигини ҳудудий тақсимланишида катта фарқланишлар мавжуд: аҳолининг зичлиги Навоий вилоятида 5 киши/кв.км, Андижон вилоятида 380 киши/кв.км ни ташкил қилади. Шу билан бирга айтиш лозимки, Республиканинг энг яхши ўзлаштирилган ва

аҳоли энг кўп истиқомат қиладиган ҳудудлари Ўзбекистоннинг бутун майдонининг 7-10% ни ташкил қилади. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги аҳоли жойлашувида ўз аксини топди (1.1.1-расм). Ўзбекистондаги шаҳарлар тармоғи 234 та аҳоли пунктлари ва 113 та шаҳар типидagi посёлкаларидан иборат. Қишлоқ аҳоли пунктларининг сони эса 19,9 миллион тани ташкил этади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати эса 36,7 ва 63,3 фоизни ташкил қилиб, бу ерда қишлоқ аҳолисининг сони юқориқ кўрсаткичга эгадир.


Республика ҳудудида жойлашувнинг бир текисда бўлмагани сабабли аҳоли жойлашган ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг тақсимланиши ҳам бир хил эмас. Ўзбекистон ҳудудидаги ландшафт-иклимий шароитлар аҳоли жойлашувидаги хилма-хилликни ва унинг чизиқли-туғунли тузилмаси шаклланишини шартлаб берди. Республикадаги арим иқлим шароитида аҳолининг жойлашув ареаллари сув захиралари етарлича бўлган текисликлар ва ўрта тоғли ҳудудлардаги дарё водийлари, шунингдек тоғ олди ҳудудларга боғлангандир (1.1.2-расм).

Жойлашувнинг энг йирик ҳудуди Фарғона водийси ва унинг ён атрофида шаклланган бўлиб, у ерда 7 млн.дан ортиқ киши истиқомат қилади. Аҳоли пунктларининг ушбу минтақа марказидаги Ёзёвон котловинасига нисбатан ҳалқасимон тарзда жойлашганлиги аҳоли жойлашувининг ўзга хос хусусияти ҳисобланади. Бу ҳудуддаги шаҳарлар тармоғи анча ривожланган: 28 та шаҳар ва 26 шаҳар туридаги посёлкалар мавжуд. Лекин, аҳолининг аксарият қисми қишлоқда яшовчилардан иборат улар ушбу минтақа аҳолисининг 69%ини ташкил қиладилар.

Жанубий-ғарбда Сирдарёга қуйиладиган Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг водийларида Тошкент минтақаси жойлашган бўлиб, бу ердаги аҳоли сони 4,6 млн. Кишини ташкил қилади. Республика пойтахти Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон ҳудудида эксцентрик тарзда, яъни



1.1.1-rasm.O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI QISHLOQ AHOLI PUNKTLARINING GRADATSIYASI



Oila tarkibining o'rtacha soni

■ Buxoro, Navoiy, Namangan, Toshkent, Farg'ona viloyatlarida - 4-4,9

■ Andijon, Jizzax, Qashqadaryo, Samarqand, Sirdaryo va Xorazm viloyatlarida - 5-5,8

■ Qoraqalpog'iston Respublikasi va Surxondaryo viloyatida - 5,9-6,5

O'zbekiston Respublikasi bo'yicha qishloq aholi punktlarining umumiy soni 11794 ni, oila tarkibini o'rtacha soni 5 tani tashkil etadi.

1.1.2-rasm.O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDAGI QISHLOQ AHOLI PUNKTLARINING DEMOGRAFIK TUZILMALARI

Қозоғистон билан чегара ёнида жойлашгани ушбу минтақанинг ўзига хос жиҳатидир. Рельеф шароитлари бўйича бу минтақа учта зонадан иборат: йирик—Чирчиқ дарёсининг водийи, ўртача—Оҳангарон дарёси водийи ва кичик, нисбатан автоном бўлган Бекобод зонаси. Бу Ўзбекистондаги урбанизация даражаси энг юқори бўлган минтақа ҳисобланиб, шаҳар аҳолисининг улуши 68%ни ташкил қилади.

Тошкент минтақасидан жанубий-ғарбий томонда, Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйидаги водийда ва жанубий Мирзачўл каналининг суви билан суғориладиган чўл зоналарда катта бўлмаган Гулистон ва Жиззах жойлашув зоналари шаклланган. Бу ерда қишлоқ аҳолисининг улуши (тахминан 70%) салмоқлироқдир.

Зарафшон дарёси ҳавзаси бўйлаб жойлашувнинг Зарафшон зонаси шаклланган бўлиб, унинг асосини урбанизациялашган зоналар занжири: йирик—Самарқанд, кейин Навоий ва Бухоро зоналари ташкил қилади. Самарқанд зонасида режалаштириш нуқтаи назарида нисбатан мустақил ҳисобланувчи Каттақўрғон, Бухоро зонасида эса—Қорақўл жойлашув гуруҳлари ажралиб туради. Бу минтақада ҳам қишлоқ аҳолисининг улуши катта—Самарқанд вилоятида 74%, Бухоро вилоятида 70% ва Навоий вилоятида 60%.

Республика жанубидаги Сурхондарё водийсида жойлашувнинг икки гуруҳидан иборат зона мавжуд бўлиб, уларнинг бирида марказ сифатида Термез, иккинчисида эса—Денов қўрилади. Ушбу зонанинг ўзига хос хусусияти, бу Термез шаҳрининг Афғонистон билан чегарада жойлашганидир. Айнан шу жиҳат жойлашув маркази бўлган Термезнинг шаҳарсозлик нуқтаи назарида ривожланишига таъсир кўрсатади. Умуман олганда, бу минтақадаги аҳолининг аксарият қисми (80%) қишлоқда истиқомат қилади.

Аҳоли жойлашувининг Қашқадарё зонаси Зарафшон ва Сурхондарё

зоналарини боғлаб турувчи бўғин ҳисобланиб, унинг таркибида иккита—Қарши ва Шаҳрисабз гуруҳлари жойлашган. Биринчи гуруҳнинг маркази йирик шаҳар Қарши бўлса, иккинчисининг маркази—нисбатан катта бўлмаган Шаҳрисабз шаҳридир. Жойлашув тузилмасидаги аҳолининг катта қисми (75%) қишлоқда истиқомат қилади.

Аҳоли пунктларининг жойлашуви ва жамоат марказларининг шаклланиши маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилишини жамоатчиликка хизмат кўрсатишнинг қарор топган тизим-ларига мувофиқ мавжуд иморатлар фондини, яшаш жойида жамоатчиликка хизмат кўрсатилиши билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши қуйидаги-ларни таъминлаши керак:

- хизматларни олиш учун маблағлар, куч ва вақтни энг кам сарфлаган ҳолда хизмат кўрсатишнинг оммавий ва яқка тартибдаги турларининг тўлиқ комплекси;
- иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида хизмат кўрсатиш даражасини изчил тарзда секин-аста юксалтира бориш;
- жамоатчилик ва хусусий хизмат кўрсатишнинг янги усуллари, шакллари ва турларини жорий этиш ва уларни янада такомиллаштириш.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғининг лойиҳалаштирилиши қуйидаги шаҳарсозлик омилларини ҳисобга олиб бажарилиши лозим:

- корхона жойлашган туманнинг халқ хўжалик соҳаси;
- хўжалик ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ихтисослаштиришнинг асосий йўналишлари;
- шаҳарларни ташкил қилувчи база туси;
- хўжалик ҳудудининг режалаштирилиши тузилиши ва функционал зоналаштирилиши;

- ташқи ва ички транспорт алоқалари тизими;
- аҳолининг зичлиги, ишлаб чиқариш, меҳнат ва маданий-маиший алоқалар туси;
- аҳоли пунктининг жойлаштириш ва манзилгоҳлараро хизмат кўрсатиш тизимидаги миқдорлари ва аҳамияти, аҳоли пунктини ривожлантириш истиқболлари;
- ҳар хил тоифадаги тизимлар марказларига вақт оралиғида транспортда етиб бориш имкониятлари;
- хизмат кўрсатишнинг кўчма воситалари тармоғини кенг жорий қилиш;

Шаҳарсозлик муаммолари, одатда, ҳар бир шаҳар ёки посёлка учун алоҳида, бошқа аҳоли пунктлари билан алоқа ва боғланишларни ҳисобга олмасдан туриб ҳал қилинмоқда. Натижада, аҳоли пунктларининг шаклланган тармоғи ва аҳоли пунктларининг катталиги ҳамда функционал ихтисослашувига кўра ўзаро боғлиқ тарзда ривожланиш тенденциялари ўртасида номувофиқлик юзага келмоқда.

Ривожланган илм ва таълим ҳамда ижтимоий инфратузилмаларга эга бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашув тизими ва ишлаб чиқаришнинг аксарият қисми талабларига тўлиқ жавоб бера олмайдилар ва ривожланиш суръатлари ошишига тўсқинлик қиладилар. Автоном жойлашувнинг самарасизлиги ушбу тизим ижтимоий талабларга зид эканлиги орқали намоён бўлади. Сабаби, аҳоли ўқимишлилиги ва маданияти даржасининг ўсиши унинг мобиллигини оширади, яшаш муҳити яхшиланишига, қишлоқ аҳоли пунктларидаги инфратузилма ривожланиши даражасига нисбатан ошиб бораётган талабларни рағбатлантиради. Шу сабабдан ҳам, аҳолининг меҳнат қилиши, таълим олиши, маиший турмуши ва ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган жойларнинг турлича бўлиши қишлоқ жойлардаги жойлашув тизимини истиқболли ташкил этилишининг энг муҳим ижтимоий мезони сифатида қабул

қилинади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик ҳудудларидаги ердан фойдаланиш тузилмасида салмоқли ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда давлат сектори деярли бекор қилинди ва ердан фойдаланувчиларни кичиклаштирилиш жараёни кечмоқда. Ҳам деҳқончилик, ҳам чорвачилик соҳаларида фермер хўжаликларининг сони кун сайин ошиб бормоқда.

“Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил етишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаштириш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда”¹².

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кичикилаштириш ва марказлашмаган тизимга ўтказиш жараёни давом етиб, кўп йўналишли иқтисодиёт шаклланмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республиканинг қишлоқ жойларида аҳолини жойлаштиришни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ўта муҳим аҳамиятга ега бўлиб, алоҳида ва мустақил илмий мавзу даражасига кўтарилган.¹³ Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш устувор эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу масалага шунчалик катта е’тибор қаратилишини очик-ойдин эътироф этмасдан иложи йўқ.

¹² И.А.Каримов. *Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари*. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 18-бет

¹³ Мантиққа зид бўлса ҳам тан олиш керак - Ўзбекистонда қишлоқ жойлардаги аҳоли жойлашуви урбанистика муаммоларига қараганда кам ўрганилган.



Бугунги кунда мамлакатнинг 3/5 қисми қишлоқларда истиқомат илади ва



бу кўрсаткич охириги йилларда деярли ўзгармай келмоқда. Шу билан бирга, аҳоли сони ошиши бўйича етарлича барқарор бўлган кўрсаткичларни ва аҳолининг аксарият қисми ҳудудий жиҳатдан ўтроқ еканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ аҳолиси динамикасининг алоҳида типини ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳудудларидаги демографик вазиятнинг ўзига яраша жиҳатларини белгилаш мумкин (7-

расм).

7-расм. Аҳолининг шаҳар ва қишлоқдаги жойлашуви



Сўнгги йилларда туғилишлар даражасининг бироз пасайишига қарамасдан (туғилишларнинг энг юқори кўрсаткичи 1991 йилда қайд етилган), барибир, қишлоқ аҳолисининг сони кўпайишда давом етмоқда. Ўртача йиллик ўсиш 1,7% ни ташкил қилиб, бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг умумий сони 16087,2 минг кишини ёки 25427,9 минг кишидан иборат мамлакат аҳолисининг 63,3% ни ташкил қилмоқда. Самарали иқтисодий сиёсат марказининг баҳолашича мамлакатимиздаги қишлоқ аҳолиси 2010 йилга келиб 17864,9 минг кишига, 2025 йилда – 20875,0 минг кишига етади. Ҳисобланган муддатдан кейин, масалан, 2050 йилда эса 25320,0 мингтани ташкил қилади. Лекин, республика аҳолисининг умумий сонига нисбатан улуши аста-секин пасаяди ва 57,8% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар типдаги аҳоли пунктлари таркибига киритилиши ҳисобига уларнинг улуши камайиб

бораяётганини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, 1959 йилда Ўзбекистондаги қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий сони 17,3 мингтага тенг бўлган бўлса, 1991 йилда бу кўрсаткич 12,9 минггача камайган, бугунги кунда эса – 11,7 мингтани ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ қабул қилинган классификацияга кўра, республикадаги 11699 та қишлоқ аҳоли пунктларининг ярмидан кўпроғи, яъни 53,3% аҳоли сони 1000 тагача бўлган кичик қишлоқ аҳоли пунктларидан иборат. Уларнинг таркибида аҳолиси 500 тагача бўлган кичик аҳоли пунктлари 3258 тани, яъни 52,3% ни, аҳолисининг сони 500 дан 1000 гача бўлган аҳоли пунктлари 2969 тани, яъни 47,7% ни ташкил этади. Аҳолиси 1 мингдан 3000 гача бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари сони 4281 тага тенг бўлиб, улар қишлоқ аҳоли пунктлари умумий сонининг 36,6% ни ташкил этади. Аҳолиси 3000-5000 кишини ташкил этадиган катта посёлкалар сони 890 тага (7,6%) тенг. Аҳолиси 5000 кишидан кўп бўлган йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг сони 301 тани, яъни 2,5 фоизни ташкил қилади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг гуруҳланиши

Қишлоқ аҳоли пунктларининг гуруҳлари		Қишлоқ аҳоли пунктларининг сони		Қишлоқ аҳоли пунктлари гуруҳларидаги аҳолининг сони	
тоифалари бўйича	аҳоли сони бўйича (минг киши)	дона	%	минг киши	%
йирик	5 дан	301	2,5	1045,7	6,5
катта	кўпроқ	890	7,6	1333,3	8,3
ўрта	3 дан 5 гача	4281	36,6	6420,7	39,9
кичик	1 дан 3 гача	6227	53,3	7287,5	45,3
	1 гача				
Жами:		11699	100,0	16097,2	100,0

Ўзбекистондаги битта қишлоқ аҳоли пунктига ўртача ҳисобда 675 тадан киши тўғри келади. Лекин, аҳолисининг сони 500 тагача бўлган тоифага кирувчи қишлоқ аҳоли пунктларининг кўпчиликини ташкил этади – уларда қишлоқ аҳолисининг 1/3 қисмидан кўпроғи истиқомат қилади¹⁴. Бу шундан далолат берадики, битта қишлоқ аҳоли пунктига тўғри келадиган аҳоли сонининг юқорида қайд етилган ўртача кўрсаткичи тоифаси



юқорироқ бўлган аҳоли пунктларида яшовчилар ҳисобига шаклланади.

Республиканинг алоҳида вилоятлари бўйича қишлоқ аҳоли пунктларининг ўртача гавжумлигида сезиларли фарқланишларни кузатиш мумкин. Мисол учун, агар Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 944 кишини, Сурхондарё вилоятида – 984 кишини, Андижон вилоятида – 1065 кишини, Наманган вилоятида – 1207 кишини ташкил қиладиган бўлса, Бўхоро вилоятида ва Қорақалпоғистон Республикасида мос равишда 285 ва 367 кишига тенг. Бундай ҳолат хўжалик юритиш объектлари ва аҳоли жойлашувида ҳудудларбўйича сезиларли фарқланишлар мавжудлигидан далолат беради.

¹⁴ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистондаги йирик (аҳолиси 5000 дан ортиқ бўлган) қишлоқ аҳоли пунктларининг сони МДХ нинг Марказий Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатларникига қараганда кўпроқ бўлиб, уларнинг сони 300 дан ошиб кетган (2-жадвал). Шаҳарлар тармоғини тўлдиришда муҳим ўринга эга бўлган бундай қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарлардаги йирик саноат объектларининг филиаллари, шунингдек агросаноат комплекслари ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини жойлаштириш учун қулай ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик асосларини яратиб берадилар


2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги қишлоқ аҳоли
пунктларининг аҳолиси сони бўйича миқдорий таркиби**

т/р	Вилоятлар	Қишлоқ аҳоли пунктларининг сони	Шу жумладан аҳолисининг сони қуйидагича бўлган				
			100 дан 500 киши гача	500 дан 1000 кишигача	1000 дан 3000 кишигача	3000 мингдан 5000 кишигача	5000 минг кишидан ортиқ
1	Андижон	581	48	77	291	106	59
2	Бухоро	1422	572	434	380	30	6
3	Жиззах	568	217	148	143	39	21
4	Қашқадарё	1159	225	341	473	86	34
5	Навоий	497	180	162	116	25	14
6	Наманган	507	35	58	244	107	63
7	Самарқанд	1938	632	607	597	88	14
8	Сурхондарё	855	111	195	445	88	16
9	Сирдарё	274	55	71	106	35	7
10	Тошкент	992	241	263	389	83	16
11	Фарғона	1155	155	286	581	107	26
12	Хоразм	556	73	107	275	80	21
13	Қорақалпоғистон Республикаси	1195	714	220	241	16	4

	си						
	Ўзбекистон Республикаси	11699	3258	2969	4281	890	301

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий таркибида кичик, аксарият ҳолларда ўзидан ўзи ва бош режасиз пайдо бўлган аҳоли пунктлари энг ёмон аҳволдалар. Улар аҳолига хизмат кўрсатиш учун зарур ижтимоий-маиший шароитларга ега эмаслар. Бундай қишлоқ аҳоли пунктларида муҳандислик таъминоти энг паст даражада, ободонлаштириш деярли амалга оширилмайди, аҳолига кундалик хизмат кўрсатиш муассасалари: мактабгача мактаб таълими объектлари, тиббий муассасалар, савдо шахобчалари, коммунал-маиший вазифалар учун мўлжалланган объектлар қурилмайди. Бу эса уларни қайта ўзгартириш бўйича радикал чоралар қўрилишини талаб этади¹⁵.



8-расм. Ўзбекистон республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг
градацияси

¹⁵ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали таъкиллаштириши”. Тошкент, 2012 й

Катта аҳоли пунктлари – 1052 та	- аҳоли сони 3000 дан 5000 гача
Йирик аҳоли пунктлари – 375 та	- аҳоли сони 5000 дан кўп
Ўртача аҳоли пунктлари – 4511 та	- аҳоли сони 1000 дан 3000 гача
Кичик аҳоли пунктлари – 5856 та	- аҳоли сони 100 дан 1000 гача



■ Buxoro, Navoiy, Namangan, Toshkent, Farg'ona viloyatlarida - 4-4,9

■ Andijon, Jizzax, Qashqadaryo, Samarqand, Sirdaryo va Xorazm viloyatlarida - 5-5,8

■ Qoraqalpog'iston Respublikasi va Surxondaryo viloyatida - 5,9-6,5

O'zbekiston Respublikasi bo'yicha qishloq aholi punktlarining umumiy soni 11794 ni, oila tarkibini o'rtacha soni 5 tani tashkil etadi.


9-расм. Ўзбекистон республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг демографик тузилмалари

2. Тизим ташкил қилувчи марказларнинг ривожланиши


Аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ тарзда ривожланишининг кучайиши жараёнида тўртта босқични ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири аҳоли пунктлари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг янада юқорироқ ва янги шакллари билан фарқланади. Республикамизнинг аксарият вилоятларидаги жойлашув тизими аҳоли пунктларидаги функционал табақаланишнинг кучайиши ва илм-фан, дам олиш ва туризм, агарарсаноат ишлаб чиқариш марказлари каби бир қатор ихтисослашган функцияларни бажарувчи шаҳар ва посёлкалар ажралиб чиқиши билан тавсифланади.

Шаҳар-марказларнинг интенсив таъсир зонасидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда вилоят ва туманларнинг чекка қишлоқлари ривожланиши бўйича ўтказилган таҳлил натижалари муайян тизим доирасида шаҳар-марказга нисбатан жойлашув ҳудудлари бир турда бўлмай, бу тизим чегарасида жойлашган аҳоли пунктларининг табақаланиш жараёни кучайганини кўрсатаяпти – буни “марказнинг таъсир эффекти” деб таърифлаш мумкин. Одатда, чекка ҳудудлардан шаклланаётган тизим марказига яқинлашган сари агломерация ва муҳит урбанизацияси жараёнлари фаоллиги ошиб боради. Бунда тизимнинг тузилмавий режали ядросидаги жараёнлар “қуввати” ва ҳудудий бирлашишларнинг сифати чекка ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари локал гуруҳларидагига караганда анча юқори эканлигини қайд этиш лозим. Бундай ҳолатни аҳоли сони ўсиши ва иқтисодий ривожланишнинг жадал суръатлари, аҳоли ўртасидаги икки томонлама алоқалар, шаҳар-марказ ва унинг атрофидаги аҳоли пунктлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши айнан шаҳар-марказ яқинида жойлашган аҳоли пунктларида кузатилиши билан изоҳлаш мумкин. Вилоятлардаги жойлашув тизимлари доирасида эса бу каби агломерацион жараёнлар вилоят марказидан узоқда жойлашган туман марказлари (ёки нисбатан катта шаҳралар) атрофида содир бўлади.

Жойлашувнинг шаклланаётган тизимлари ичида ҳудудий бирлашиш жараёнлари натижасида жойлашув минтақалари ҳосил бўлиб, улар асосий ижтимоий-иқтисодий ва тузилмавий-режали кўрсаткичлар, қишлоқ аҳоли пунктларининг марказий шаҳарга нисбатан жойлашиш хусусиятлари бўйича сезиларли фарқланадилар (10-расм):



АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИДАГИ ЎЗARO БОҒЛАНИШЛАРИНИНГ ПРИНЦИПИАЛ СХЕМАСИ



жойлашувнинг I минтақасидаги қишлоқ аҳоли пунктлари, улар, асосан, бош транспорт коммуникациялар бўйлаб шаклланивчи ривожланишнинг асосий ўқларида жойлашади. Бу ўқлар мономарказли тизимларда жойлашувнинг ўзига хос нурларини ташкил этадилар.

Шаҳарсозликка оид барча кўрсаткичлар (биноларнинг зичлиги, функцияларнинг хусусиятлари, кундалик алоқаларнинг йўналиши ва интенсивлиги, техник инфратузилманинг умумийлиги, ривожланиш суръатлари ва б.) қайси аҳоли пунктлари йирик шаҳар-марказнинг таркибига киришини белгилаб беради. Уларнинг режавий тузилмасини ривожланиши агломерация учун умумий режавий тузилма шаклланиши масалаларининг ҳал қилинишига боғлиқ; жойлашувнинг I минтақасидаги жойлашув нурлари ташқарисидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланиши нисбатан сустроқ бўлиб, уларнинг ҳудудий ўсиш истиқболлари агломерация учун умумий режавий тузилма шаклланиши масалаларининг ҳал қилинишига боғлиқ; жойлашувнинг II минтақаси ривожланиш ўқидаги қишлоқ аҳоли пунктлари. Бундай аҳоли пунктларининг режавий тузилмаси агломерацияни кичик марказлари таъсири остида шаклланади. У йирик тасмасимон тузилманинг бир қисми сифатида ривожланишини назарда тутиш керак; жойлашувнинг III минтақаси ривожланиш ўқидаги қишлоқ аҳоли пунктлари. Бундай аҳоли пунктлари режавий тузилмаси жойлашувларни локал гуруҳи ичидаги турли алоқалар ортиши шароитида ривожланади. Юқорида баён этилганлар якуни сифатида таъкидлаш лозимки, шаклланаётган жойлашув тизимларидаги аҳоли пунктлари тузилмавий интеграцияси жараёнларини англаш шаҳарсозлардан уларнинг ривожланиши ва режали ташкил этилишига янгича ёндошишни талаб қилади. Бундай ёндошувнинг мазмун-моҳияти қуйидаги асосий методик ҳолатлар мужассамлигини ҳаётга татбиқ этишдан иборат: аҳоли пунктини алоҳида объект сифатида лойиҳалаштиришдан воз кечиш; лойиҳалаштирилаётган объект ривожланиши миқёсини бошқа ҳолатлар билан бирлаштирган ва режали тузилмасини шаклланишини унинг шаклланаётган жойлашув тизимидаги ҳолати ва функцияларини ҳисобга

олган ҳолда аниқлаш; лойиҳа ишлари турларини ва лойиҳа ҳужжатлари мазмун-моҳиятини жойлашув тизимларига мувофиқлаштириш¹⁶.

Аҳолининг барча қатламлари учун, улар қаерда яшашидан қатъий назар, меҳнат, турмуш ва ижтимоий-маданий шароитларни имкон қадар бир хил даражада бўлиши таъминлаш жойлашув тизимларидаги қишлоқ аҳоли пунктларини функционал ва режали ташкил қилишнинг асосий вазифалари бири ҳисобланади. Жойлашув тизимларини ташкил этиш қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолиси учун ҳам ишлаб чиқариш, ҳам маданий-маиший ва ижтимоий соҳаларда имкониятлар доирасини кенгайтириш билан бирга жойлашувнинг шаҳар ва қишлоққа хос тизимлари ўртасидаги фарқланишларни сезиларли даражада тенглаштиради, уларни батамом бартараф қила олмайди. Шаҳар-марказ билан транспорт алоқалари, шакллари ва имкониятлари турлича бўлгани сабабли жойлашув тизимининг турли минтақаларидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ҳам бир-бирларидан сезиларли даражада фарқланади. Демак, ҳаттоки келгусида ҳам, жойлашув тизимининг ривожланган шароитларида ҳам турли аҳоли пунктларида яшовчилар бир қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича турлича турмуш шароитларига эга бўладилар. Лекин, таъкидлаш зарурки, агар қишлоқ аҳоли пунктларидаги қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий марказлардан узоқда яшагани учун муайян турмуш шароитлари бўйича орқароқда бўлсалар, шаҳар аҳолиси табиий муҳитдан узоқда истиқомат қилганлари учун яшаш қулайликлари бўйича ёмонроқ шароитда бўладилар. Яшаш шароитларидаги шу каби объектив тенгсизлик кичикроқ миқёсдаги ҳудудий тузилмалар доирасида ҳам кузатилади. Амалда, бундай ҳолат шуни англатадики, бир афзалликка (марказда истиқомат қилиш) эришишдаги қийинчиликлар бошқа афзаллик – табиий муҳитга яқин бўлиш билан компенсацияланади. Бу ҳолатни тасодиғий деб ҳисоблаш

¹⁶ *Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й*

мумкин эмас, уни компенсациялаш асосида енгиб ўтиш барча жойда умумий хусусиятга эга.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, барча аҳоли яшайдиган жойларда, уларнинг асосий марказлар ва тузилмавий-режали тугунларга нисбатан жойлашувини инобатга олиб туриб, бундай фарқланишларни компенсациялашга асосланган ҳисобга олиш принципига ўтиш зарурлигини тан олиш лозим. Қишлоқ жойларга саноат, хизмат кўрсатиш объектлари ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаларини киритиш асосида қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий потенциали кучайтириш эҳтиёжи туғилади. Натижада, аграр-саноат интеграцияси ривожланиб, қишлоқ ҳудудлардаги жойлашув тизимларида урбанизация даражаси ошади.

Қишлоқ аҳоли пунктлари маъмурий туман доирасида ички хўжалик, бирлашма ва туман миқёсидаги тизимларга бирлаштириладилар.

Ички хўжалик тизимини алоҳида қишлоқ хўжалик корхонаси қошида шаклланган ва ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик ривожланишнинг умумий жиҳатлари билан боғланган аҳоли пунктлари ташкил этадилар. Ушбу тизимдаги алоқалар энг барқарор, доимий, кўп қиррали ва интенсив ҳисобланадилар.

Бирлашма тизими – бир нечта қишлоқ хўжалик корхоналари қошидаги ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини хўжаликлараро қайта ишлаш, шунингдек жойлашувнинг мувофиқ даражасида аҳоли пунктлари ўртасида маданий-маиший хизмат кўрсатиш асосида бирлаштирилувчи аҳоли пунктларининг тармоғидан иборат. Бунда тизим ташкил қилувчи функцияларни ишлаб чиқариш базаси ва хизмат кўрсатиш функциялари энг ривожланган марказий посёлкалардан бири н бажаради.

Қуйи маъмурий туманлардаги жойлаштириш тизими янада мураккаброқ ҳудудий мажмуа бўлиб, ундаги функциялар, шароитлар ва ривожланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қуйида аҳоли

пунктларининг ҳудудий ташкил қилинишидаги жойлашувнинг локал ички хўжалик доирасидан то умумреспублика миқёсидаги тизимгача мураккаблашиб бораётганини акс эттирувчи схема келтирилган (11-расм).

Агар, шаҳар шаклланган кундан бошлаб турмуш ва фаолиятнинг ноёб, тобора мураккаблашиб бораётган шакллари яратиш ва жамлаш функцияларини ўз зиммасига олган бўлса, қишлоқ ана шу, шаҳар шароитида шаклланган турмуш тарзини кенгайтириш ва тарқалишини таъминлайди. Шаҳар учун анъанавий ҳисобланган функцияларни қишлоқда қайта тақсимланиши, биринчи навбатда, исталган шаҳар муҳитининг ресурслари чекланган бўлиб, ижтимоий фаолиятнинг фақатгина маълум (ҳам миқдор, ҳам сифат нуқтаи назарида) турларининг жамланмасини талофат ва йўқотишларсиз амалга оширишни таъминлай олиши билан шартланади. Шу сабабли, зарур ресурсларни жалб қилган ҳолда турмуш тарзининг янги йўналишлари ва намуналарни ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга татбиқ қилиш шаҳар муҳитида муайян қийинчиликларни юзага келтиради. У ёки бу кўринишдаги ресурслар ҳажми ва миқдори етишмаслиги, гарчи, ўз таъсирини ўтказсада, барибир, ҳар бир функцияда аввалги босқичларда шаклланиб улгурган ресурслардан фойдаланиш йўналишидан фарқланувчи, ўзига хос янги йўналишларни белгилаб берилиши асосий ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шаҳар муҳитида фаолиятнинг ноёб ва оммавий турлари ўртасида ўзига хос “ресурсли” зиддиятлар юзага келиши кузатилади¹⁷.

Бу зиддиятларни шаҳарга хос бўлган баъзи оммавий функцияларни қишлоқ жойларга топшириш ҳисобига бартараф қилса бўлади. Қишлоқ жойларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарига техник хизмат кўрсатиш, қурилиш ва шу кабилар билан боғлиқ корхоналарни кўчириш мумкин. Қишлоқ хўжалиги билан бевосита

¹⁷ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали таъкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

Жойлашувнинг иерархия тузилмаси ва жойлашув тизимларининг турли даражалари орасидаги боғланишлар модели	Жойлашувнинг ҳудудий даражалари	Жойлашувнинг мувофиқ турлари
	VII	Жойлашувнинг республика ва вилоятлараро тизимлари
	VI	
	V	Жойлашувнинг вилоят ва туманлараро тизимлари
	IV	
	III	Жойлашувнинг туманлар бўйича тизимлари
	II	
	I	

боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари, масалан, енгил, озиқ-овқат ва шу каби саноат тармоқларининг шаҳардаги корхоналарини филиаллари ва цехлари қишлоқда жойлаштирилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Посёлка ташкил қилувчи функциялар қаторига қишлоқ аҳолисига маданий-маиший ва коммунал хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни ҳам киритиш лозим.

11-расм. Жойлашувнинг ҳудудий-иерархия даражалари

Жойлашувнинг ҳудудий даражалари:

*I – ички хўжалик; II - хўжаликлараро; III - туман; IV - туманлараро;
V - вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси); VI - вилоятлараро;
VII - умумреспублика*

Жойлашув тизимларининг марказлари:

*1 – умумхўжалик; 1А – хўжалик ичидаги ихтисослашган; 2 – хўжаликлараро;
3 – туман миқёсидаги ихтисослаштирилган; 4 – туманлараро; 5 – вилоят миқёсидаги
комплекс марказлар; 5А – вилоят миқёсидаги ихтисослаштирилган марказлар; 6 –
вилоятлараро; 7 – республика миқёсидаги комплекс марказлар; 7А – республика
миқёсидаги ихтисослаштирилган марказлар.*

*А – мажбурий тусга эга боғланишлар; Б – жойлашувни ҳудудий ташкил
қилинишининг алоҳида вариантларида мумкин бўлган боғланишлари.*

Қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлка ташкил қилувчи базасини ривожланиш истиқболлари фақатгина ноёблик даражаси турлича бўлган ишлаб чиқариш функцияларнинг ҳудудий дифференциациясини чуқурлашиб бориши билан белгиланмайди. Ҳар бир индивиднинг ишлаб чиқаришдан ташқаридаги турмуш тарзи ва ҳаётини келгусида макон бўйича циклларга ажратилиши билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади¹⁸.

3. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тузилмаси

Аграр сектор иқтисодиётининг мустаҳкамланиши, жумладан хўжалик юритишнинг жамоавий ва оилавий пудрат, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари кўринишидаги турларини ривожланиши барча қишлоқ аҳоли пунктларига: жойлашувнинг таянч марказларидан кичик қишлоқларгача маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишни тақозо қилади.

Ёшларнинг қишлоқ жойларда қолиши, малакали кадрларни қишлоқ хўжалик корхоналарига жалб қилиниши муайян қишлоқ аҳоли пунктидаги турмуш шароитларининг даражасига боғлиқ. Қишлоқ аҳоли пунктларида

¹⁸ *Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й;*

мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, даволаш-профилактика, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва савдо муассасаларининг мавжудлиги катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил этилишини ижтимоий хизмат кўрсатишнинг қарор топган тизим-ларига мувофиқ тарзда, яшаш жойида ижтимоий хизмат кўрсатиш билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

Қишлоқдаги жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуришни такомиллаштириш жараёнидаги асосий йўналишлар қуйиагилардан иборат:

1. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини хизматларни аҳолига яқинлаштириш принципи асосида ташкил қилиш, бунда илмий-техник тараққиётнинг замонавий воситаларидан, жумладан кўчма қурилмалар ва диспетчерлик хизматидан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим.

2. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимига кирувчи муассаса ва корхоналар тармоғи тузилмасини уларнинг функционал вазифаларига боғлиқ равишда ташкил этиш. Хизмат кўрсатиш тизимини шаклланиришда жамоат бинолари, мавсумий тусга эга иншоотлар ва кўчма қурилмалар мужассамлигидан фойдаланиш зарур. Тармоқлар тузилмасини белгилашда минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиш, турли даражадаги муассасалар ўртасидаги тузилмавий алоқаларни кучайтириш зарур. Хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим бўғини сифатида кичик қишлоқларнинг марказлари кўрилиши лозим.


3. Ишлаб чиқариш марказлари ва кичик аҳоли пунктларига хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, бунинг учун аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган янги бинолар қуриш ёки мавжудларини модернизация қилиш лозим. кичик қишлоқларда жамоат марказининг бирлаштирилган биноларидан, шунингдек, маҳаллий шароитлардан келиб

чиқиб, таркибида кичик сиғимли муассасалари бўлган турар-жой биноларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 3.5.1-расмда “Маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари хизмат кўрсатишининг схемаси” келтирилган.

4. Жамоат биноларининг қуйидаги турлари кенг тарқалиши лозим:

- кичик сиғимли ва оилавий мактабгача муассасалар;
- жойлашувнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилган мактаблар, жумладан кичик сиғимли таълим муассасалари;
- бошланғич ва ўрта мактаблар билан бирлаштирилган боғча-ясилар;
- бошланғич мактаб ва болалар боғчаси бўлган ўқитувчи уйи;
- аҳолининг барча табақалари учун мўлжалланган маърифат, маданият ва спорт марказлари (одатда, ўрта мактаблар қошида ташкил қилинади);
- маданият уйлари ва ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган клублар (меҳмонхоналар, спорт ва соғломлаштириш йўналишида фаолият кўрсатадиган клублар);
- кўп функцияли бирлаштирилган бинолар: клуб-идора, клуб-ошхона, кафе, мактаб-клуб, спорт гуруҳи билан ва ҳақозо.
- кўчма савдо ва буюртмаларни уйга етказиб беришга, ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотларини қабул қилиш ва мавсумий савдо ҳамда умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил қилишга ихтисослашган ривожланган “Гузар” таркибидаги савдо марказлари;
- жамоат марказлари комплекслари, шу жумладан кичик қишлоқлар учун микромарказлар;
- ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли – фахрийлар, қариялар, ногиронлар ва етимлар учун бинолар.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари хизмат кўрсатишининг схемаси



- 1 – қишлоқлараро хизмат кўрсатиш функцияларини бажарувчи стационар бино
- 2 – кўча хизмат кўрсатиш бўйича буюртма қабул қиладиган стационар бино
- 3 – қишлоқлараро функцияларни бажаришга мўлжалланган хоналар
- 4 – кўча хизмат кўрсатиш бўйича буюртмаларни қабул хоналари
- 5 – ярим стационар иншоотлар (киосklar, шийпонлар)
- 6 – кўча воситалар тураргоҳи
- 7 – алоқа коммуникациялари
- 8 – кўча хизмат кўрсатиш трассалари
- 9 – хизмат кўрсатиш ва техник воситалар учун буюртмалар ҳаракатланиш трассаси
- 10 – турар-жой бинолари, ижара хўжаликлар

5. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилиши қуйидагилар бўйича таклифларни ўз ичига

ОЛИШИ ЛОЗИМ:

- қишлоқ фуқаролари йиғинининг бутун ҳудудида мактабгача ва мактаб таълими муассасалари тармоғининг ташкил қилиниши;
- қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши;
- қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолисига маданий-маърифий ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилиши;
- қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолисига рекреацион хизмат кўрсатилиши;
- қишлоқ фуқаролари йиғинининг ҳудудида маъмурий ва жамоат ташкилотларининг жойлаштирилиши.

6. Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирувчи аҳоли пунктларидаги мактабгача таълим муассасалари тармоғини шакллантириш принципи:

Мактабгача таълим муассасалари тармоқлари қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий типдаги болалар боғча-ясилари, соғломлаштириш ва ихтисослашган, муассасалар.

Аҳолисининг сони 300 кишигача бўлган аҳоли пунктларида кам сиғимли хусусий болалар боғча-ясиларини жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Соғломлаштириш ва ихтисослашган боғча-ясилар катта қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозим.

Мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлик даражаси, уларнинг сиғими, ер участкаларининг ўлчамлари ҳар бир аҳоли пунктида лойиҳа топшириғига мувофиқ қабул қилинади¹⁹.

Умумтаълим ўқув муассасалари тармоғи мактабгача таълим муассасалари тармоғи каби мактаб ёшидаги болаларнинг таълимнинг у ёки бошқа босқичи билан қамраб олинганлигига оид кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқирилиши лозим. Мактабларнинг сиғими мазкур қишлоқ аҳоли

¹⁹ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали таъкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

пункти ва унинг атрофидаги қишлоқлардаги мактаб ёшидаги болалар сонига қараб белгиланади.

Мавжуд мактаб фондини сифат нуқтаи назарида баҳолаб, мактабни тугатган ўқувчилар янги дастур бўйича мактаб таълими тизимини яратиш учун фойдаланиши имкониятларини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда шаклланаётган ишлаб чиқаришга оид муносабатлар ва жойлашув хусусиятлари қишлоқ аҳоли пунктларидаги болаларга таълим беришнинг қуйидаги шакллари татбиқ этилишини талаб қилмоқда:

а) аҳолиси 100-200 кишидан иборат бўлган барча қўрғончаларда ўқувчилар сони 15 гача, аҳолиси 300-500 кишидан иборат бўлганларида эса ўқувчилар сони 36 гача бошланғич мактаблар кўзда тутилиши лозим;

б) аҳолиси 600 дан 2000 кишигача бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида хўжалик фаолиятини қўшимча тайёргарликсиз олиб бориш учун зарур бўлган касбга ўқитадиган ихтисослашган ўрта мактаблар мавжуд бўлиши лозим;

в) аҳоли сони 2500 ва ундан кўп бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида қобилятли болалар учун коллеж ва лицейлар ташкил қилиниши лозим.

Таълим соҳасидаги янги дастурга ўтиш баробарида умумтаълим мактабларидаги ўринлар сони (ўқувчилар сони ва хоналар майдони бўйича) қисқаради.

Мактабларнинг сифими бўйича таҳлил натижалари:

Республика бўйича мактаб ёшидаги (7-16 ёш) болаларнинг аҳолининг умумий сонига нисбатан улуши 28,3% ни, шу жумладан: 7-9 ёшдагилар – 8,9% ташкил қилади. Уларнинг 7,4% бошланғич таълимга эга бўлади, ривожланиши суст болалар (1,5%) ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олади.

10-16 ёшдаги болалар улуши 19,4% ни ташкил қилади, уларнинг 7,0% қуйидаги ихтисодий соҳалар бўйича таълим олади:

а) бизнес фаолияти; б) менежер ;в)тадбиркорлик; г)ҳуқуқшунослик; д) бухгалтерия ҳисоби ва ҳк.

- диний йўналиш бўйича таҳсил оладиганлар 1,4% ни ташкил қилади

- "Университетлар" (махсус ихтисослар) - 3,0%

- хўжаликлардаги ишлаб чиқаришда меҳнат қилувчи мутахассислар билан таъминлаш - 8%

а) иқтисодчи; б) механизатор; в) агроном; г) боғбончилик; д) ирригатор;
ё) чорвачилик; ж) зоотехник; з) курукчи; и) ҳамшира; к) тикувчилик
(кийим-кечак ва пойафзал); л) ҳунармандчилик ва бошқ.

3-жадвал

Аҳоли- нинг ёши	Демогра фик тузилма бўйича фоиздаги нисбат	Бош ланг ич макт аб	Ривожл аниш даража -си суст болала р	V-IX синфлар				
				Бозор муносабатлари бўйича ихтисослашув	Диний йўналишдаги ихтисослашув	Университет йўналишидаги ихтисослашув	Хўжалик йўналишидаги ихтисослашув	Умумтаълим мактаблари учун ўринлар
7-9 ёш	8,9	7,4	1,5					7,4
10-16 ёш	19,4			7,0	1,4	3,0	8,0	8,0
	28,3	7,4	1,5	7,0	1,4	3,0	8,0	15,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, умумтаълим мактабларидаги ўринлар сони 12,9% ёки 45,5% га қисқаради.


Мактабгача таълим ва мактаб таълими муассасаларидаги аҳоли пунктлари бўйича ўринлар, уларнинг жойлаштирилиши, хизмат кўрсатиш радиуслари, ер участкаларининг майдонлари ҚМҚ 2.07.04-98 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини меъморий-режавий ташкиллаштириш” ва ҚМҚ 2.07.01-94 “Қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш” норматив ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Қуйида ўқувчилар ҳаракатланиши ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича мактаблар жойлаштирилишининг тахминий схемаси келтирилган (12-расм)

8. Қишлоқдаги тиббиёт муассасаларининг тармоғи қуйидагилардан иборат: фельдшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиника ёки амбулаториялари бўлган касалхоналар. Улар туман, вилоят, республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг умумий тармоғи билан узвий боғланганлар.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил

Ўқувчилар ҳаракатланиши ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича мактаблар жойлаштирилишининг тахминий схемаси



12-расм

қилишнинг асосий вазифаси – қишлоқ аҳоли пунктларидаг барча аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш.

Шаклланаётган ишлаб чиқариш муносабатлари ва жойлашув хусусияти тиббий хизмат кўрсатиш тармоғида қуйидаги тиббиёт муассасалари ташкил этилишини тақозо қилади:

Аҳолисининг сони 100-200 киши бўлган барча кўрғончаларда шифокорлар (терапевт, акушер, педиатр, тиш техниги) истиқомат қиладиган “турар-жой-тиббий пункт”. Шу бинонинг ўзида умумий анализлар лабораторияси, 1-2 ўринли стационар ва дорихона кўзда тутилиши лозим.

Аҳолисининг сони 600 дан 2000 кишигача бўлган посёлкаларда кенг камровли тиббий хизмат кўрсатишга ихтисослашган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилиниши зарур. Бу муассаса қошида дорихона, бир нечта ўринли стационар ва маслаҳатхона бўлиши керак.

Аҳолининг умумий сони 3000 кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида таркибида поликлиника, туғруқхона, лаборатория ва дорихона бўлган участка касалхоналари ташкил қилиниши лозим.

Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай иқлим ва табиий шароитларга эга бўлган жойларда соғломлаштириш масканлари, катталар учун эса – дам олиш уйлари, профилакторийлар қуриш зарур.

Асосий посёлкаларда далада меҳнат қиляётган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш (ҳам профилактик, ҳам тез тиббий ёрдам) учун кўчма тиббий пунктлари кўзда тутилиши лозим.


Ҳар бир чорвачилик хўжалигида ветеринария хизмати пунктлари (лаборатория ва дорихонаси билан) ташкил қилиниши керак.

Қишлоқ аҳоли пунктида истиқомат қилувчи барча аҳоли тиббий ёрдам кўрсатилиши билан таъминланиши зарур, инфекцион, онкологик ва шу каби оғир касалликлар билан оғриган кишилар туман ёки вилоят марказидаги ихтисослашган касалхоналарда даволанадилар.

Қишлоқда тиббий ёрдам кўрсатишнинг ана шундай тизимини яратилиши натижасида аҳоли пунктидаги ҳар бир шифокор ўз мижозларини туғилганидан бошлаб кузатиш имкониятига эга бўлади.

Ундан ташқари, тиббиёт муассасаларини бундай тармоғининг ташкил қилиниши ишга лаёқатли аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратиб беради.

Қуйида қишлоқ аҳоли пунктида тиббий хизмат кўрсатишнинг



тахминий схемаси келтирилган (13-расм).

Рекреация функциялари ривожланган қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маданий-маиший хизматларни кўрсатишни ташкил қилишда аҳолининг эҳтиёжларини ва ўзига хос миллий хусусиятлар ва қарор топган анъаналарни инобатга олиш лозим. Қишлоқ аҳолиси ҳордиқ чиқаришини ташкил қилиш учун рекреацион хизмат кўрсатишнинг уч босқичли тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1. Кундалик хизмат кўрсатиш объектлари: болалар учун ўйин

14-расм



майдончалари, катта ёшдаги аҳоли дам олиши учун майдончалар, маҳалла марказлари участкалари, посёлка парклари, хиёбонлари, шунингдек, дарёлар, табиий ва сунъий сув ҳавзалари ёнидаги пляжлар. Бундай объектлар аҳоли пиеда (30 дақиқагача) етиб олиши мумкин бўлган радиусда жойлаш-тирилади. Рекреацион участкаларнинг ўлчамлари ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш» норматив ҳужжатинин 15-жадвалига асосан белгиланади.

2. Ҳафта охирида даврий равишдаги қисқа муддат (1-2 кунлик) дам олиш. Бундай дам олиш турини ташкил қилиш учун табиий ёки сунъий барпо этиладиган ва табиий компонентларга (сув, яшил ўсимликлар, рельеф, юксак эстетик хусусиятларга) бой бўлган, аҳоли пунктдан транспортда 1-1,5 соат ичида етиб олиш мумкин бўлган махсус ҳудудлар ажратилиши лозим.

3. Катта ёшдаги аҳолининг ҳар йилги меҳнат таътили ва мактаб ёшидаги болаларнинг ёзги таътиллари вақтидаги эпизодик, узоқ муддатли дам олиши учун мўлжалланган дам олиш масканлари – санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар, мотеллар, болаларнинг соғломлаштириш муассасалари, болалар муассасаларининг ёзги боғ ҳовлилари.

Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида характеристикаси туманларни режалаштириш лойиҳасида кўрсатиладиган туман, вилоят ёки республика аҳамиятига эга қимматли рекреацион ресурслар мавжуд бўлса, улардан мазкур қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида яшайдиган аҳолининг дам олиши учун фойдаланиш имкониятини белгилаш зарур.

Спорт бинолари ва иншоотлари тармоғи жисмоний тарбия талабларини қондириш учун зарур бўлган ҳажмда, қишлоқ фуқаролари йиғинининг бутун аҳолисига қуйидагича принципга кўра хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиб туриб лойиҳалаштирилиши лозим:

Ҳар куни спорт билан шуғулланиш учун – мактаб ўқувчилари ва катта ёшдаги аҳоли спорт ўйинлари ва машғулотлари билан шуғулланиши учун мўлжалланган майдончалар, улар 5-10 дақиқа ичида пиёда етиб олиш радиусида (турар жой гуруҳлари ичида, мактаб қошида, маҳалла маркази ёнидаги рекреацион мажмуада) жойлаштирилиши керак²⁰.

Катта ёшдаги аҳоли ва болаларнинг мустақил ва мураббий раҳбарлигида умумий жисмоний тайёргарлик гуруҳлари (саломатлик гуруҳлари)да ва спорт секцияларида мунтазам равишда шуғулланиш учун.

Тизимли тарздаги машғулотлар учун мўлжалланган спорт маркази - 30 дақиқа ичида пиёда етиб бориш радиусида жойлаштирилиши лозим.

Спорт иншоотларини лойиҳалаштиришда улардан кўп мақсадларда фойдаланиш принципига асосланиш зарур.

Маъмурий бинолар, молия, алоқа муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, жамоат тартиби бўлинмалари, қишлоқ кенгашлари (диний муассасалар бундан мустасно) қишлоқ аҳоли пунктининг ижтимоий маркази ҳудудида жойлаштирилиши ва маъмурий-ижтимоий хизматлар тўлиқ ҳажмда кўрсатилишини таъминлаши керак.

Бинолар имкони борича бирлаштирилиши керак.

Жойлаштиришнинг ҳажми ва манзили ҳар бир муайян ҳолат учун лойиҳалаштириш топшириғига биноан белгиланади.

Бинолар ва муассасаларнинг тавсия қилинадиган рўйхати, уларнинг сифими ва қишлоқ фуқаролари йиғинининг аҳоли пунктлари бўйича жойлаштирилиши ШНҚ 2.07.04-12 норматив ҳужжатнинг 10-15 жадвалларида келтирилган.

²⁰ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъмурий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

II боб бўйича хулоса

Қишлоқ жойлардаги жойлашувнинг республикада шаклланган тизимини ўрганиш ва унинг ривожланиш тенденцияларининг таҳлили қишлоқ аҳоли пунктларининг сифат нуқтаи назаридан ўсиши бошқа омиллар билан бирга шаҳар аҳоли пунктлари тармоғи тузилмасининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатди. Ана шу ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, шаклланаётган жойлашув тизимларининг ривожланиши ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу сабабдан қишлоқ жойлардаги жойлашувни ўзгартириш шароитларига ёндошув табақалашган, яъни ҳар бир минтақадаги шарт-шароитларни, кўрилаётган ҳудуддаги миқёси ҳамда ривожланганлик даражаси турлича туман ва шаҳар марказлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда бўлиши зарур. Айтиб ўтилган омилларга боғлиқ равишда миқдорий ва сифатий ўзгаришлар, қишлоқ аҳоли пунктларини катталиги ва бажарадиган функциялари бўйича табақаланиши амалга оширилади, режалаштирилиши ва меъморий қиёфаси такомиллашади.

Шундай қилиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси жойлаштирилишининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб турувчи иккита тизим ости тузилмаларидан ташкил топган тизимларининг мавжудлиги қуйидагиларни амалга ошириш имкониятини яратади: ишлаб чиқариш кучларини ҳам шаҳарлар ичида, ҳам қишлоқ ҳудудларда оптимал равишда жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш; ўз таркибида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлган жойлаштирилишнинг ягона рационал структурасини ташкил қилиш;

ўзаро боғлиқ аҳоли пунктларидаги ижтимоий-маданий инфратузилманинг мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилишини таъминлаш; қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли пунктлари ўртасида етакчиларини аниқлаш ва муайян минтақанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда мавжуд

жойлаштириш тизимининг ривожлантирилганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг асосий турларининг ривожлантириш бўйича йўналишларни белгилаш;

аҳоли пунктларидаги шаклланаётган тизимларнинг функционал-режавий ташкил этилишини ва уларнинг асосий элементлари ҳисобланувчи қишлоқ пунктларини такомиллаштириш.


Юқорида баён этилган ҳолатлар республиканинг қишлоқ жойларидаги аҳоли пунктларини шаҳарсозлик нуқтаи назарида ривожлантириш жараёнида етарлича кенг доирадаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш бўйича ечимларни ишлаб чиқишни назарда тутди.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ МАРКАЗЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Жамоат марказини шакллантириш ва меъморий ечимини ташкил этиш

Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш қишлоқ аҳоли пунктларини ўзгартиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда қишлоқ жамоат биноларининг режали тузилмаси ва типологиясини қишлоқлараро хизмат кўрсатишнинг ягона тизими – ижтимоий, шаҳарсозлик, композицион нуқати назарда рационал бўлган посёлканинг жамоат марказини ташкил қилиш асосида шакллантириш кўзда тутилади.

Қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими. Қишлоқ хўжалигини саноат асосида юритишга ўтиш, транспорт ва алоқа воситаларини, коммуникация инфратузилмасини ривожланиши, жойлашув тизимларининг шаклланиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими яратилиши учун асосий дастлабки шартлар бўлиб хизмат қилдилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида шаклланаётган жойлашувнинг янги тизимида бундай ўзгаришларни амалга ошириш реал воқелик сифатида қабул қилинмоқда. Жойлашувнинг бундай тизими шаҳар ва қишлоқ учун ягона жойлашув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади²¹.



15-расм

²¹ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташиқлаштириш”. Тошкент, 2012 й

Демак, қишлоқ жойлардаги хизмат кўрсатиш тизими ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича ягона тизимнинг бир қисми бўлиши керак. Бу тизим шу соҳанинг барча корхоналари ва муассасаларининг бирлашиши асосида қурилиб, аҳоли пунктларига (улар қаерда жойлашишидан қатъий назар) бир маромда хизмат кўрсатилишини таъминлаши лозим.

Маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича тақлиф этилаётган тизим тўғрисидаги маълумотлар III бобнинг (“Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини меъморий-режали ташкил этиш”) 3.5-бандида берилган.

Жамоат маркази. Қишлоқ аҳоли пунктининг жамоат маркази аҳолининг ижтимоий ва ишбилармонлик фаолияти жамланадиган жой ва шаҳар ташкил этувчи бош элемент ҳисобланиб, посёлканинг меъморий-ҳажмий композицияси ва контурини белгилаб беришда катта роль ўйнайди. Жамоат маркази маъмурий бошқарув, савдо-маиший, маданий-маърифий ва бошқа функцияларни бажаради.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жамоат марказларини лойиҳалашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак экан:

- марказнинг композицион тизими узвий боғланишга эга бўлишига;
- хизмат кўрсатишнинг қулай ва оқилона ташкил этилишига;
- марказ функционал вазифаларига мувофиқ аниқ зоналаштирилиши, ҳажмлар талқинидаги асимметриялик, шакллар, контур ва ландшафт тузилишидаги уйғунликка риоя қилинишига;
- архитектура, табиат ва санъат синтези;
- марказдаги бино ва иншоотлар қурилишида миқёслилик, модуллиқ, услубнинг ягона бўлиши, шакллар ва ҳажмлар уйғунлигига.

Жамоат маркази ҳудудининг функционал жиҳатдан оқилона ташкил этилишида уни аниқ белгиланган вазифалар (маъмурий, маданий-маърифий, савдо-маиший, таълим муассасалари, дам олиш ва спорт)

бўйича бўлинган ҳолда ягона режавий-ҳажмли зона яратилишига эътибор қаратиш лозим.

Маданий-томоша зона таркибига, одатда, қишлоқ клуби, кутубхона, чойхона каби объектлар киради. Фаолият кўрсатиш хусусиятлари ва Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими бундай муассасаларга кечки салқинда ташкиф буюрилишини шартлаб беради. Шунга сабабдан зона ҳажми ҳам сутканинг айнан шу вақтига мос бўлиши керак: унинг майдони очик характерга эга бўлиб, имкон қадар сувли юза (ҳовуз, фаввора ва ҳк.) ташкил қилиниши лозим, шохлари ёйилган дархатлар бўлмаслиги даркор, кечки салқинни сақлаши ва яхши шамоллатилиши, етарли даражада чироқлар ва ёритиладиган рекламага эга бўлиши лозим.

Маъмурий зона қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурияти биноси, агрофирма бирлашмасининг бошқаруви, алоқа бўлими, омонат кассаси, АТС биноларидан таркиб топиб, кундалик меҳнат фаолиятининг маркази сифатида асосан эрталаб ва кундузи ишлайди.

Савдо-маиший зона таркибига озиқ-овқат ва саноат-хўжалик моллари дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, умумий овқатланиш корхоналари (ошхона, кафе ва ҳк.) киради. Бу зонага одамлар асосан эрталаб ва кундузи ташриф буюришади, шунинг учун унга қўйиладиган талаблар маъмурий зонадаги каби бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида қишлоқ посёлкаларининг жамоат марказлари жойлаштирилишида, уларнинг функционал-режали ва меъморий-ҳажмий ташкил этилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Текисликлардаги воҳоларда марказ энг қулай, микроиқлим яратиш имкони берувчи, ҳудуд аэрацияси етарлича бўлган ва биноларни иссиқдан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган участкада жойлаштирилиб, посёлкадаги устувор ҳолатни эгаллаши лозим.

Жамоат марказидаги микроиқлим шароитларни яхшилаш мақсадида уни яшил дарахтзорлар яқинида, парк билан бирлаштириб ёки парк

таркибида жойлаштириш керак. Сув манбалари ёнида жойлашган жамоат марказини сув юзалари билан уйғун тарзда боғланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Микроиқлим шароитларини яхшилаш учун қопламалар юзасини сезиларли даражада қисқартириш, майдон композициясида асосан пиёда катнови йўналишлари бўйлаб жойлаштириладиган яшил ўсимликлар, гулхоналардан фойдаланиш зарур. Уларни суғориш ва қулай микроиқлим шакллантириш учун замонавий ускуналар: ёмғирлатиш ва сув сачратиш қурилмаларидан кенг фойдаланиш керак. Марказ микроиқлимини яхшилаш мақсадида амалиётда кенг тарқалган манзарали бассейнлар ва фаввораларни сувни чанглатувчи ва сачратувчи қурилмалар билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқ. Қопламалар сифатида иссиқни ютмайдиган, мутаҳкам, кам едириладиган материаллардан фойдаланиш зарур.

Тоғ олди воҳаларда посёлканинг жамоат марказларини участканинг энг яхши табиий жиҳатлари ва ён-атрофдаги ландшафт ёрдамида алоҳида урғу бериб, унинг устувор мавқеини кўрсатиш зарур. Табиий ландшафт элементларини марказнинг, умуман посёлканинг ҳажмли-фазовий тузилмаси таркибига фаол киритиш мақсадга мувофиқ. Бу шартларни бажариш учун қуйидагиларни бажариш тавсия қилинади:

- марказий майдон учун рельефи бўйича энг баланд участка танлаш;
- биноларнинг асослари ва пойдеворлари сувланишини истисно қиладиган шароитларда марказни сув манбаларига имкон қадар яқин жойлаштириш, уларнинг сув юзасидан (кўзгусидан) марказ композициясидаги элемент сифатида фойдаланиш;
- жамоат маркази жойлашган участкадаги дарахтлар ва буталарни имкон қадар сақлаш ва улардан марказ ансамблини индивидуал қиёфасини бойитиш учун фойдаланиш;
- участканинг индивидуаллиги ва марказнинг ифодали қиёфасини ажартиш учун бошқа объектларга нисбатан баландроқ меъморий

иншоотларни тепароқ участкаларда, бино режасида узун объектларни пастроқ жойларда жойлаштириш лозим.

Посёлка ва ён-атрофдаги ландшафт ўртасидаги боғланишни таъминлаш ва ҳажмлий-фазовий композиция ифодалалигини кучайтириш мақсадида жамоат маркази, бош кўча ва асосий меъморий ансамблларни перспективада тоғ чўққиларига йўналтириш керак.

Воҳалардаги жамоат марказларининг меъморий-режали тузилмаларини шакллантиришда асосий эътибор таркибида ландшафтнинг манзарали элементлари бўлган ва ҳудудни шамоллатиш имкониятини яратадиган очик режали тузилма ташкил қилишга қаратилади. Тоғ олди воҳаларда эса тузилма тоғ сойининг бўйида терраса шаклида ташкил қилиниши мумкин. Бунда ҳар бир террасада зоналар гуруҳи ёки марказнинг алоҳида зонасини жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Воҳалардаги жамоат марказлари ҳажмий режали тузилмаларини шакллантиришнинг асосий композицион усуллари, бу:

- бинолари алоҳида (ёки бирлаштириган) ҳолда қурилган очик майдон кўринишидаги участка;
- ўзаро киришиб кетадиган ҳажмлар;
- чизикли фазовий ҳажм;

Чўл ва саҳро зоналардаги жамоат марказларини жойлаштиришга бўлган талаблар:

- табиий сифатларнинг максимал кўлланиши, микроиклим шароитларини яратиш учун режали усуллардан кенг фойдаланишни таъминлаш;

Бу талабларни бажариш учун қуйидагиларни бажариш тавсия этилади:

- марказ ҳолатини белгилашда микрорельефни баҳолаш, тепароқда жойлашган ва сизот сувлари сатҳи пастроқ бўлган қулай участка

танлаш, марказ микрорельефини вертикал режалаштириш методлар билан кучайтириш;

- посёлка доирасида канал ёки йирик ариқлар бўлса, марказни уларга яқин жойга жойлаштириш, техник имкониятлар мавжуд бўлганида эса – бу сув манбаларини режали композиция таркибига киритиш.

Участканинг табиий сифатлари нейтрал бўлса, жамоат маркази учун жой унинг таркибидаги биноларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб танланади (бинолар учун ер майдонлари уларни жойлашуви ва хизмат кўрсатишнинг оптимал радиуслари, объектлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва улар фаолият кўрсатиши учун энг мақбул шароитларни ҳисобга олган ҳолда). Бундай шароитларда посёлканинг режали ташкил этилиши бирон-бир жиҳат бўйича мураккаблашмайди. Жамоат бинолари жойлашган участкадаги микроиклим барқарорлигини таъминлаш учун уларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, марказни эса парк зонасида ёки дарахтзорлар билан бирлаштириган ҳолда жойлаштириш лозим. Марказ учун жойни, кучли шамол ва қум бўронларидан ҳимоя қилиш мақсадида, иморатлар қурилган ҳудуднинг ичкари қисмидан танлаш керак²².

Сахро ва чўл зоналарда жамоат марказларини меъморий-режали тузилмасини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари – тузилма ёпиқ (ярим ёпиқ) шаклда бўлиши, қуёш радиацияси таъсири максимал бўлган ҳажмларнинг имкон қадар қисқартирилиши, муҳитни қумли бўрон ва чангли шамоллардан ҳимоя қилиниши (21-расм).

Бу минтақадаги жамоат марказлари фазовий ҳажмларини ташкил қилишдаги асосий композицион усуллар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ёпиқ (ярим ёпиқ) фазовий ҳажм;
- бирлаштирилган бинонинг ягона ёпилган фазовий ҳажми;

²² Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

- ўзаро киришиб кетган фазовий ҳажмлар (тузилма посёлка марказида, ён-атрофдаги иморатлар билан ҳимояланган тарзда жойлаштирилган бўлса).

Тақдим этилган композицион усуллар асосида жамоат марказлари тузилмаларини шакллантириш бўйича жуда кўп вариантлар ишлаб чиқиши мумкин. Улар оддий ва ривожланган бўлиши мумкин. Оддий марказ икки тузилмавий элементдан иборат:

- битта майдон ва унга олиб кирадиган бош кўча;
- бош кўча ёки бульвар.



Таркибида бош кўча, бульварлар ёки пиёда йўлаклари, хиёбон ёки парклар билан ўзаро боғланган иккита ёки ундан кўп майдон бўлган жамоат марказлари ривожланган ҳисобланади. Бундай марказда бош элементнинг (майдон, бош кўчанинг) марказий ансамблдаги аҳамияти катта. Бошқа тузилмавий элементларнинг меъморий-режали ташкил этилиши бош элементни тўлдириш, унинг ягона режали тузилмадаги ўрни ва аҳамиятига урғу бериш вазифасидан келиб чиқади.

Бинолар қурилишидаги хусусиятларга боғлиқ равишда жамоат марказлари қуйидаги турларга бўлинади:

- якка ҳолдаги бинлардан иборат; блокировкаланган; бирлаштирилган.

Қишлоқда хўжалик юрителининг янги шаклларига ўтилиши биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг янги, истиқболли нормаларини ривожланишига боғлиқ бир қатор масалалар ҳал қилинишини талаб қилади. Бугунги кунда ижарага асосланган пудрат, айниқса унинг жамоавий, оилавий, якка тартибдаги, фермер ва деҳқон хўжаликлари каби шакллари долзарб ҳисобланади.


Қишлоқда хўжалик юритиш бўйича иқтисодий методларнинг янги шакллари ўзаро бирлашиб, турли кўринишларни ҳосил қиладилар, турар-жой, ишлаб чиқариш, жамоат бинолари функцияларининг интеграцияси янада жадалроқ кечишига кўмаклашади.



16-расм. Қишлоқ посёлкаси жамоат маркази ҳудудини функционал зоналаштирилишининг схемаси (ЦНИИЭП ГРАЖДАНСЕЛЬСТРОЙ).

1-посётка кенгаши; 2-хўжалик бошқаруви; 3-алоқа; 4-автотураргоҳ; 5-савдо; 6-умумий овқатланиш; 7-маданий-маиший хизмат кўрсатиш; 8-коммунал хизматлар; 9-таълим муассасалари; 10-спорт 11-мадания; 12-мулоқот; 13-дам олиш; 14-мемориал иншоотлар.

17-расм. Жамоат марказини очик режали тузилмасининг режали-фазовий модели.



18-расм. Периметр бўйича алоҳида бинолар қурилган майдон шаклидаги жамоат маркази

Талаба Шомирзаев Б.,

рах. ассистент Урунова Н. СамДАҚИ

1-савдо маркази; 2-маъмурий марказ; 3 – маданий-маърифий марказ.


Аҳолиси 100-300 кишидан иборат чекка қишлоқларда (деҳқон, фермер хўжаликларининг истиқомат-ишлаб чиқариш марказларида) таркибида бошланғич мактаб, оилавий болалар боғчаси бўлган турар-жой биноларини (ўқитувчи уйи), тиббиёт пункти ва дорихонаси бўлган турар-жой биноларини (шифокор уйи), шунингдек новвойхона, чойхона, дўкон бўлган турар-жой биноларини қуриш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик юритишнинг янги шакллари келгусидаги ривожланиши қишлоқ ҳовлиларида қўшимча ёрдамчи иморат ёки қурилмалар, устахоналар ва омборлар қурилишини тақозо қилади.


“Ўзқишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан аҳоли сони турлича бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари учун зарур лойиҳаларнинг қўплаб вариантлари ишлаб чиқилди.

Кичик аҳоли пункти (деҳқон, фермер хўжалигининг истиқомат-ишлаб чиқариш ҳудуди) жамоат марказининг режали-фазовий модели 14-расмда кўрсатилган.

Маданий-ижтимоий биноларни лойиҳалашда халқ меъморчилиги анъаналаридан имкон қадар ижодий равишда фойдаланиш зарур. Биноларни куббали боғланишлар билан бирлаштириш ўзбек меъморлари томонидан кўп ишлатиладиган усуллардан бир ҳисобланади. Бунда бош бионинг ўқи ансамблнинг композицион ўқиға нисбатан перпендикуляр жойлаштирилган, шу сабабдан бош бино иншоот ичига кирилгани сари аста-секин ёки тўсатдан намоён бўлган. Бош бионинг тўсатдан ва қутилмаганда пайдо бўлиши бадиий таассуротни кучайтиришга ёрдам берган.





19-расм. Самарканд вилоятидаги “Сартай” посёлкасининг жамоат маркази (ўзаро киришиб кетувчи ҳажмлар шаклидаги). Талаба Худойкулов А., Раҳ. доц. Ким В.Е. СамДАҚИ:
а) панорама; б) бош режафрагменти.





1-клуб; 2-маъмурий марказ центр; 3-баҳт уйи; 4-маиший хизмат кўрсатиш комбинати; 5-савдо маркази; 6-ошхона.

20-расм. Қишлоқ посёлкасининг жамоат маркази (чизиқли ҳажм шаклидаги)
Талаба Минглиев О.,



Раҳ. доцент Очилов Ш.Д. ,СамДАҚИ:
а) режа; б) умумий кўриниши.


21-расм. Посёлка жамоат маркази ёпиқ режали тузилмалисининг режали-ҳажмий модели.



22-расм. Самарқанд вилояти Ургут туманидаги агросаноат посёлкасининг жамоат маркази. Талаба Махмадқулов Ш., Раҳ. Катта ўқитувчи. Каримов С.Р. СамДАҚИ:
а) жамоат марказининг панорамаси; б) бош режа фрагменти.

1-клуб; 2-маъмурий блок; 3-спортзал; 4-савдо маркази; 5-меҳмонхона; 6-маиший хизмат кўрсатиш комбинати; 7-ёзги кинотеатр.

3-расм. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудлари учун қишлоқ посёлкаси жамоат марказининг бирлаштирилган биноси. Талаба Худойкулова Фотима. Раҳ. катта ўқитувчи Ёлдошева М.К. СамДАҚИ.



Бирлаштирилган бинонинг ёпиқ режали тузилмаси комплекс марказидаги очик майдон (вестибюль) атрофида жамоат маркази элементлари жамланишини кўзда тутди. Бутун тузилма 2 ярусли килиб бажарилган.

2. Маданий-маърифий ва тиббӣй хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил қилиш

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилишини жамоатчиликка хизмат кўрсатишнинг қарор топган тизим-ларига мувофиқ мавжуд иморатлар фонди-ни, яшаш жойида жамоатчиликка хизмат кўрсатилиши билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши қуйидаги-ларни таъминлаши керак:

- хизматларни олиш учун маблағлар, куч ва вақтни энг кам сарфлаган ҳолда хизмат кўрсатишнинг оммавий ва яқка тартибдаги турларининг тўлиқ комплекси;
- иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида хизмат кўрсатиш даражасини изчил тарзда секин-аста юксалтира бориш;
- жамоатчилик ва хусусий хизмат кўрсатишнинг янги усуллари, шакллари ва турларини жорий этиш ва уларни янада такомиллаштириш.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғининг лойиҳалаштири-лиши қуйидаги шаҳарсозлик омилларини ҳисобга олиб бажарилиши лозим:

- корхона жойлашган туманнинг халқ хўжалик соҳаси;
- хўжалик ва ишлаб чиқаришни ри-вожлантириш ва ихтисослаштиришнинг асосий йўналишлари;
- шаҳарларни ташкил қилувчи база туси;
- хўжалик ҳудудининг режалаштири-лиши тузилиши ва функционал зоналашти-рилиши;
- ташқи ва ички транспорт алоқалари тизими;
- аҳолининг зичлиги, ишлаб чиқа-риш, меҳнат ва маданий-маиший алоқалар туси;

- аҳоли пунктининг жойлаштириш ва манзилгоҳлараро хизмат кўрсатиш тизими-даги миқдорлари ва аҳамияти, аҳоли пунктини ривожлантириш истиқболлари;
- ҳар хил тоифадаги тизимлар мар-казларига вақт оралиғида транспортда етиб бориш имкониятлари;
- хизмат кўрсатишнинг кўчма воси-талари тармоғини кенг жорий қилиш;

Маданий-маиший хизмат кўрса-тиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилиши қуйидагилар бўйича тақлифларни ўз ичига олиши лозим:

- қишлоқ хўжалик корхонасининг бу-тун ҳудудида мактабгача ва мактаб таълими тармоғининг ташкил қилиниши;
- қишлоқ хўжалик корхонаси аҳоли-сига тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши;
- қишлоқ хўжалик корхонаси аҳоли-сига маданий-маърифий ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилиши;
- қишлоқ хўжалик корхонаси аҳоли-сига рекреацион хизмат кўрсатилиши;
- қишлоқ хўжалик корхонаси ҳуду-дида маъмурий ва жамоатчилик ташкилот-ларининг жойлаштирилиши.

Мактабгача ва мактаб таълими тармоғининг ташкил қилиниши. Қишлоқдаги мулкчилик шаклларининг ранг-баранглиги ишлаб чиқариш фаолияти усуллари ва бунинг оқибати сифатида яшаш шарт-шароитларини ўзгартирди. Аҳоли пунктларини марказлашти-риш ва йириклаштириш тенденциясига қарама-қарши ўлароқ қишлоқлар, фермер хўжаликлари кўрғонлари ва шу кабиларда тарқоқ ҳолда сийраклашган тарзда жойлашиш тобора кенг тус олмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими муассасалари уларни яшаш ва ишлаш жойларига максимал яқинлаштириб жойлаштирилиши лозимли-ги сабабли болалар боғчалари-ясилари ва

мактабларнинг синф хоналарининг кам си-қимли, гуруҳлардаги болалар сони камайтирилган ҳолдаги муассасаларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Болалар боғчалари-ясилларидаги ўринлар сонини муайян посёлка аҳолиси-нинг демографик тузилишига қараб белги-лаш керак бўлади²³.

Мактабгача тарбия муассасалари тармоғи қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий типдаги болалар боғчалари-ясилари, соғломлаштириш ва ихтисослашган, идораларники, ширкатчилик ва хусусий муассасалар.

Аҳоли сони 300 кишигача бўлган аҳоли пунктларида кам сиғимли болалар боғчалари-ясилларини жойлаштириш кўп-роқ мақсадга мувофиқдир. Соғломлаштириш ва ихтисослашган болалар боғчалари-ясилларини аҳоли сони 3000 кишидан ортиқ бўлган йирик ва катта қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Мактабгача тарбия муассасалари билан таъминланганлик даражасини 5-жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

Мактабгача тарбия муассасалари учун ер участкаси майдони сиғимга қараб қабул қилиниши керак:

- 25 ўринлигача - ҳар бир болага 50 кв.м.
- 90 ўринлигача - ҳар бир болага 40 кв.м.
- 90 ўринлидан ортиқ бўлганида - ҳар бир болага 35 кв.м.

5-жадвал

№№ т/р	Қишлоқ аҳоли пунктлари типлари	Мактабгача тарбия муассасаси билан таъминланганлик даражаси. Қамраб олинганлик фоизи			
		Умумий	Соғломлаш- тириш	Ихтисослаш- ган	Жами
1.	Йирик	50	8	2	60
2.	Катта	40-50	3-10	2-3	45-60
3.	Ўртача	35-40	5-10	5-10	45-60

²³ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали таъкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

4.	Кичик	25-35	5-10	5-10	35-55
----	-------	-------	------	------	-------

Изоҳ: 1. Мактабгача тарбия муассасалари билан қамраб олинганлик фоизи маҳаллий шарт-шароитларга мувофиқ лойиҳалаштириши топшириғига кўра ўзгартирилиши мумкин.

2. Соғломлаштириши ва ихтисослашган мактабгача тарбия муассасаси билан таъминланганлик даражаси соғлиқни сақлаш органлари томонидан аниқлаштирилади.

Таълим тизимини Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига биноан, кўриб чиқиладиган қишлоқ хўжалик корхонасининг жойлаштирилиши тусини ҳисобга олиб ташкил қилиш керак.

Умумий таълим ўқув юртлари, шу жумладан, мактаблар, гимназиялар, лицейлар, колледжлар ва бошқаларнинг ҳар хил типлари мактаб ёшидаги болаларнинг таълимнинг у ёки бошқа босқичи билан қамраб олинганлигига доир кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилиши лозим. Ўрин-лар сони ва ер участкаси миқдорини 6-жадвал бўйича қабул қилиш керак.

Ихтисослашган умумий таълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, колледж-ларнинг сифими ўринларнинг умумий сони ҳисоб-китоби, уларнинг жойлаштирилиши эса лойиҳалаштиришга доир топшириққа асосан қабул қилинади.

Мактабгача ва мактаб муассасалари ҳажмлари ҳисоб-китобларига мисол 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

№№ т/р	Аҳоли пунктларининг номи	Мактаб муассасасининг номи	Ҳисоб-китоб кўрсаткичи, бир сменада ўқитилганида қамраб олиш фоизи	Ўқувчиларнинг тахминий жойлаштирилиш и	1 ўқувчи учун ер участканининг тахминий майdonи, м2
1	2	3	4	5	6
1	Олидаги қишлоқлар 100- 500 киши	Бошланғич мактаб. Бошланғич мактаб билан ўқитувчининг уйи	100	9-45	60 плюс ўқитувчининг томорқа участкани

№№ т/р	Аҳоли пунктларининг номи	Мактаб муассасасининг номи	Ҳисоб-китоб кўрсаткичи, бир сменада ўқитилганида қамраб олиш фоизи	Ўқувчиларнинг тахминий жойлаштирилиш и	1 ўқувчи учун ер участкаси-нинг тахминий майdonи, м2
1	2	3	4	5	6
2	Фермалар, ишлаб чиқариш объектлари қошидаги аҳоли пунктлари, 600- 1000 киши	Жами: Шу жумладан: Бошланғич мактаб. Асосий мактаб (касбий йўналишли тўлиқсиз ўрта мактаб)	100 100 100	139-225 54-90 85-145	 60 60
3	Ёрдамчи аҳоли пунктлари 1500- 2500 киши	Жами: Шу жумладан: Бошланғич мактаб. Асосий мактаб (касбий йўналишли тўлиқсиз ўрта мактаб)	 100 100	406-676 134-222 216-360	 60 50
4	Асосий марка-зий посёлкалар 3000 киши ва ундан кўпроқ	Жами: Бошланғич мактаб Асосий мактаб (касбий йўналишли тўлиқсиз ўрта мактаб)	 100 100	818 ва ундан кўпроқ 270 ва ундан кўпроқ 436 ва ундан кўпроқ	 50 50

Изоҳ: 1. Таълим бериш учун қамраб олиш, касбий йўналиш халқ таълими органлари топиригига ва муайян қишлоқ хўжалик корхонасидаги касбларга эҳтиёжга кўра аниқлаштирилади.

2. Мактаб муассасаларининг ер участкалари муайян шарт-шароитларга қараб лойиҳалаштиришга доир топириққа кўра аниқлаштирилиши мумкин.

	Муассаса номи	Ҳисоб-китобдаги муддат учун талаб қилинадиган ўринлар сони					
		100-200 киши	201-500 киши	501-1000 киши	1001-2000 киши	2001-3000 киши	3001-5000 киши
1	2	3	4	5	6	7	8
А	Мактабгача тарбия муассасалари						
	1 Тарбиячи уйи қошидаги ясли-боғча	8-16	16-40	—	—	—	—
	2 Умумий типдаги болалар боғчаси-яслиси	—	—	40-98	98-196	196-293	293-480
	3 Соғломлаштириш ёки ихтисослашган болалар боғчаси-яслиси	2-4	4-10	10-24	24-48	48-73	73-120
							161-279
Б	Мактаб муассасалари						
	1 Ўқитувчи уйи қошидаги бошланғич мактаб ёки ясли-боғчанинг бошланғич мактаб билан бирлаштирилган биноси	9-18	18-45	—	—	—	—
		10-20	20-50	—	—	—	—
		9-18	18-45				
2	Умумий типдаги бошланғич мактаб	—	—	45-90	90-180	180-270	270-450
3	Паст ривожланиш даражасига эга болалар учун махсус мактаб-интернат	Ҳисоб-китоб бўйича, марказий поселкада ёки туман марказида жойлаштирилади.					
4	Қишлоқ хўжалигининг ихтисосликларига йўналтирилган асосий ўрта мактаб - 50%	7-14	14-36	36-73	73-145	145-218	218-363
					130-268		

	Муассаса номи	Ҳисоб-китобдаги муддат учун талаб қилинадиган ўринлар сони					
		100-200 киши	201-500 киши	501-1000 киши	1001-2000 киши	2001-3000 киши	3001-5000 киши
1	2	3	4	5	6	7	8
5	Хизмат кўрсатиш, қурилиш ва саноат ихтисосликларига йўналтирилган асосий ўрта мактаб - 48%	7-14	14-36	36-73	73-145	145-218	218-363
						275-486	
6	Юқори ўқув юртларига тайёрлаш дастурига эга интернат блокига бирлаштирилган асосий ўрта мактаб	4-8	8-19	19-38	38-75	75-112	112-188
							256-440

Изоҳ: 1. Паст ривожланиш даражасига эга болалар учун махсус мактаб-интернатнинг сизими мактаб муассасалари ўринларининг умумий сонига киради.

2. Соғломлаштириш типидagi болалар боғчалари сизими мактабгача тарбия муассасалари ўринларининг умумий сонига киради.

3. Ўқув юртлари номенклатураси ва уларнинг касбий йўналтирилиши лойиҳалаштиришга доир топириққа ва Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари қарорларига кўра аниқлаштирилади.

Аҳоли сони 100-500 киши бўлган посёлкаларда бошланғич мактабни жойлаш-тиришда синфларнинг қўшиб юборилиши ва мактабгача тарбия муассасалари билан бирлаштиришга йўл қўйилади.

Аҳоли сони 100-500 киши бўлган қишлоқдаги аҳоли пунктларида мактаб билан ёнма-ён ўқитувчиларнинг тураржой биноларини жойлаштириш учун ер участкасини назарда тутиш лозим.

Тиббий хизмат кўрсатиш тизими-нинг ташкил этилиши.

Соғлиқни сақлаш муассасалари-ни селитеб ҳудудда, санитария-гигиена шарт-шароитларига кўра энг қулай ер участкаларида уларнинг яшаш

ва ишлаш жойларига максимал яқинлаштирилишини ҳисобга олиб жойлаштириш лозим²⁴.

Хўжаликнинг бутун аҳолиси тиб-бий ёрдам билан тўлиқ таъминланиши ке-рак, туман ёки вилоятлар марказларида ёхуд йирик шаҳар типигаги посёлкаларда жой-лаштириладиган касалликлар турлари бўйи-ча (юқумли, онкология ва ҳоказо) махсус касалхоналар ва клиникалар бундан мустасно.

Қишлоқ хўжалик корхонаси аҳо-лисига тиббий хизмат кўрсатилишини қуйи-даги тамойилга кўра ташкил қилиш керак бўлади:

1. - Касалликларни даволаш ва олдини олишни ўз ичига оладиган кундалик тиббий хизмат кўрсатиш. Бундай муассаса-лар пиёда етиб борадиган узоқликда, яъни амалда ҳамма посёлкаларда бўлиши лозим.

2. - Енгил ва оғир касалликларнинг диагностикаси ва даволанишини ўз ичига оладиган вақти-вақти билан тиббий хизмат кўрсатиш. Бундай муассасалар транспортда 30 минутгача бўлган вақт ичида етиб бориладиган аҳоли сони 1000 кишидан ортиқ бўлган посёлкаларда жойлаштирила-ди, улар катталар ва болалар бўлимларига эга бўлади.

3. - Оғир ва сурункали касалликлар билан оғриган кишиларга эпизодик хизмат кўрсатилиши (ихтисослашган - юқумли, онкологик, сил касалликлари ва бошқалар). Бундай муассасалар туман ва вилоятлар марказларида ҳамда республика марказида жойлашади.

Тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган участкалар миқдорлари ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳар ва аҳоли пунктларини ривожлантириш ва қуриш»га биноан ёки лойиҳалаштиришга доир топшириққа кўра қабул қилинади.

Аҳоли сони 500 киши бўлган қишлоқларда тиббий пунктнинг шифокор-нинг тураржой биносида жойлаштирилиши-га йўл қўйилади.

- аҳоли сони 600-2000 киши бўлган аҳоли пунктларида, кенг профилдаги тиббий ходимлари, дорихонаси бўлган қишлоқ шифокорлик пунктлари ташкил этилади, олис қишлоқлар аҳолисига маслаҳатлар берилиши, уларнинг шу ерда ётқизилиши ҳам назарда тутилади.

- аҳолисининг умумий сони 3000 кишидан ортиқ бўлган аҳоли пунктлари гуруҳлари учун поликлиникаси, туғруқхо-наси, участка лабораторияси ва дорихонаси бўлган участка касалхоналари назарда тутилади.

²⁴ *Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й*

-болаларнинг саломатлигини мус-таҳкамлаш учун хўжалик ҳудудида иқлими ва табиий шароитларига кўра қулай ҳу-дудларда соғломлаштириш комплекслари-ни, катта ёшдаги аҳоли учун эса - дам олиш уйлари, профилакторияларни назарда тутиш лозим.


-асосий посёлкаларда далада ишлай-диган аҳоли учун ўсимликшунослик, боғдорчилик, чорвачилик ва муҳандислик инфратузилмаси ходимларига олдини олиш ва шошилиш ёрдам кўрсата оладиган тиббий хизмат кўрсатиш пунктлари - "мобил тиббий пунктлар" назарда тутилиши керак.

Хўжаликда ветеринария хизматини, ҳар бир чорвачилик корхонаси қошида - лабораторияси ва дорихонаси бор бўлган ветеринария шифохонасини назарда тутиш лозим.

Аҳолига қараб белгиланадиган тиббий муассасаларнинг тахминий номенклатураси 7-жадвалда келтирилган

8-жадвал

100-200 киши	201-500 киши	501-1000 киши	1001-2000 киши	2001-3000 киши	3001-5000 киши
Шифокор (фельдшер)-нинг турар-жой биноси қошидаги дорихона дўкончаси бўлган тиббий пункт (терапевт, акушер, педиатр, тиш техниги, лаборатория)	Маҳалла маркази қошидаги дорихона пункти бўлган тиббий пункт ёки шифокорнинг тураржой биноси қошидаги дорихона дўкончаси бўлган тиббий пункт	1-2 та койкали стационарли фельдшерлик-акушерлик пункти ёки дорихонаси ва лабораторияси бўлган қишлоқ врачлик пункти	Стационари, лабораторияси ва дорихонаси бўлган қишлоқ врачлик амбулаторияси	Қишлоқ хўжалик корхонасининг даволаш-профилактика маркази, шунинг жумладан:	
				Профилактория	
				VII - VII тоифали дорихона	
				Шошилиш тиббий ёрдам станцияси	



3. Хизмат кўрсатиш объектлари классификацияси

Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидаги аҳолига маданий-маърифий ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш корхона-лари ва муассасалари тармоғи мавжуд қури-лиш, аҳолининг бундай объектларга эҳтиё-жининг таҳлили асосида, ушбу қишлоқ хў-жалик корхонасидаги миллий ўзига хос ху-сусиятлар ва қарор топган анъаналарни ҳисобга олиб, шунингдек, посёлкадаги аҳоли сонидан қатъий назар аҳолини бундай хиз-матлар билан тўлиқ қамраб олишни, шу билан бирга ҚМҚ 2.07.02-96 «Ногиронлар ва аҳолининг ҳаракат қила олмайдиган гуруҳлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда яшаш муҳитни лойиҳалаштириш» талаб-ларига мувофиқ ногиронлар учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиб ҳал қилиниши лозим.

Хизмат кўрсатиш корхоналари пиёда ва транспортда етиб бориш мумкин бўлган ҳудудларда 9-жадвалга биноан жойлашти-рилиши керак.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил этиш учун стационар бинолардан ташқари кўчма воситаларни ва мавсумий

фойдаланиладиган иншоотларни ҳам назарда тутиш, улар учун тегишли майдонларни ажратиш зарур.

9-жадвал

№№ т/р	Муассасалар номи	Хизмат кўрсатиш радиуслари
1.	Болалар боғчалари-ясилари	ҳар бир посёлкада пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда (500-700 м)
2.	Бошланғич мактаблар	пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда (имкони борида болалар боғчалари-ясилари билан бирга) (500-700 м)
3.	Ассосий мактаблар	транспортда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда (750-2000 м)
4.	Спорт иншоотлари: - текис майдондаги - спорт заллари - спорт комплекслари	ҳар бир посёлкада мактаблар қошида транспортда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда посёлкалар ёки хўжаликлар гуруҳи учун
5.	Савдо корхоналари: - энг зарур моллар сотиладиган - худди шундай, танлаб олинадиган эҳтиёжларни қондирадиган	пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда (300-750 м) транспортда 60-120 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда
	Умумий овқатланиш корхоналари	пиёда 20 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда
6.	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари	пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда
7.	Клуб хоналари	пиёда 60 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда
8.	Бошқарув органлари	ҳар бир хўжаликда
9.	Алоқа корхоналари	пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда
10.	Тиббиёт муассасалари: - фельдшерлик-акушерлик пунктлари	ҳар бир посёлкада пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда

	- участка касалхонаси	транспортда 30-60 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойд
--	-----------------------	--

Изоҳлар: 1. Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини лойиҳалаштиришда тегишли мақсаддаги муассасалар ва корхоналар қошидаги манзилгоҳлараро хизмат кўрсатиш марказларида турадиган кўчиб юриш воситаларининг кенг ривожлантирилишини назарда тутиш зарур.

2. Хизмат кўрсатишнинг истиқболдаги тизимини лойиҳалаштиришда жойлаштириш тизимидаги ҳар бир аҳоли пунктининг ушбу хўжалик аҳолисига хизмат кўрсатишнинг ягона тизимининг таркибий бўғини бўлишига эришиш муҳимдир.

Хизмат кўрсатиш тармоғининг лойиҳалаштирилиши қуйидаги тизимга кўра бажарилиши лозим:

1.-кундалик хизмат кўрсатиш (ма-ҳалла маркази, дўкон, чойхона, сартарошхо-на, кийим-кечак ва пойафзалларни таъмир-лаш ва тикиш, дорихона, дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти учун хоналар ва ҳоказо).

Бундай муассасалар пиёда етиб борадиган жойлар доирасида бўлиши ва фақат жуда кам ҳоллардагина транспортда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилишига йўл қўйилади. Хизмат кўрсатишнинг I босқичли объектлари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Кундалик хизмат кўрсатадиган маданий-маиший мақсаддаги объектлар муассасалари рўйхати

№№ т/р	Муассасалар номи	Хизмат кўрсатиш радиуслари, м.
1.	Маҳалла маркази	
	А. Маҳалла қўмитаси идораси	300-500
	Б. Дам олиш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти учун хоналар (видеозал, ўйин автоматлари)	300-500
2.	Чойхона	500-700
3.	Саргарошхона	500-700
4.	Пойафзални таъмирлаш пункти	600-750

5.	Дорихона дўкончаси	500-700
6.	Озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони	500-700
7.	Мавсумий савдо учун айвон (бозорча)	500-700

2. - вақти-вақти билан хизмат кўрса-тиш. Бундай объектлар аҳоли сони 1000 ки-шидан ортиқ бўлган посёлкаларда жойлаш-тирилади (маданият уйлари, дам олиш мар-казлари, универмаг, бозорлар, ресторанлар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, кимёвий тозалаш пунктлари, кир ювиш пунктлари, банклар ва бошқалар).

3. - Чекланган, танлаб хизмат кўрса-тиш объектлари туманлар, вилоятлар мар-казларида ва Республика пойтахтида жой-лаштирилади. Уларга қуйидагилар киради: театрлар, киноконцерт заллари, цирклар, музейлар, лекторийлар, кўргазма заллари, универсал спорт майдонлари, йирик савдо комплекслари, олий классдаги (люкс) маи-ший хизмат кўрсатиш корхоналари ва шу кабилар.

Савдо объектларининг жойлаш-тирилишини қишлоқ хўжалик корхонаси-нинг ҳамма посёлкаларида товарларни ха-ридорларнинг талабларига қараб тақсим-лашни ҳисобга олиб амалга ошириш лозим. Ҳар қандай, энг кичкина дўкон ҳам аҳоли пунктига хизмат кўрсатиш маркази ҳисоб-ланади - бу ерда нафақат товарнинг сотили-ши ҳақидаги, шу билан бирга қишлоқ хўжа-лик корхонаси, туман, вилоят, республика савдо тармоғидаги товарларнинг мавжудли-ги тўғрисидаги ахборот оммалашади.

Умумий овқатланиш объектлари-ни аҳолининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олиб икки асосий гуруҳ бўйича лойиҳалаш-тириш лозим:

– оммавий хизмат кўрсатиш корхо-налари (аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланади ва ҳар бир посёлкада пиёда 5-10 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилади). Улар мулкчилик шакллари бўйича давлатники, ширкатлар ва хусусий бўлиши мумкин;

– танлаб хизмат кўрсатиладиган корхоналар. (нафақат овқатланиш, шу билан бирга дам олиш ва қўнгил очиш учун мўлжалланади - ресторанлар, барлар, кафе ва бошқалар).

Маиший хизмат кўрсатиш кор-хоналари ва муассасалари ҳар бир посёлка аҳолисини энг зарур хизматлар билан таъминлашни ҳисобга олиб пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойда жойлаштирилади.

Аҳоли сони кам бўлган (100-500 ки-ши) қишлоқларда уйлар қошида (пойафзал таъмирлаш устаси, тикувчи, теле-радиоус-таси ва шу кабиларнинг

уйларида) маиший хизматларнинг ташкил этилиши тавсия қилинади. Маиший хизматлар блокининг бошқа муассасалар (савдо объектлари, меҳмонхона, ҳаммом ва шу кабилар) билан бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Хизмат кўрсатишнинг бундан ҳам юқорироқ даражасидаги объектлар билан таъминлаш посёлкалар гуруҳлари учун назарда тутилиши лозим.

Ёнгин депосини ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш ва қуриш» меъёрининг 30-жадвалига мувофиқ ҳисоблаш лозим.

Ёнгин депосини хизмат доираси ра-диуси-3км га тенг. Бундан юқори бўлган тарзда битта автомашинадан иборат ёнгин постини назарда тутиш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхонаси аҳоли-сига рекреацион хизмат кўрсатилиши.

Рекреацион хизмат кўрсатилиши-нинг ривожлантирилишини аҳоли пунктла-рининг режалаштирилиши тузилиши, мав-жуд табиий ресурслардан оқилона фойдала-нилишига асосланиб назарда тутиш керак бўлади, мазкур ресурслар функционал зона-лаштириш ва дам олиш ҳудудининг меъмо-рий-режалаштирилишини ташкил қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Рекреацион хизмат кўрсатиш ти-зими объектларини уларнинг мақсадларига кўра қуйидаги объектларга бўлиш керак:

– Кундалик хизмат кўрсатиш объект-лари - болалар учун ўйин майдончалари, катта ёшдаги аҳолининг дам олиши учун майдончалар, маҳалла марказлари участка-лари, посёлка парклари, хиёбонлари, шунингдек, дарёлар, табиий ва сунъий сув ҳав-залари ёнидаги пляжлар. Бундай объектлар аҳолининг пиёда 5-10 минутда етиб олиши мумкин бўлган жойларда (200-500 метр) жойлаштирилади. Рекреацион участкалар миқдорини ҚМҚ 2.07.01-94 «Шаҳарсозлик. режалаштириш ва қуриш»га мувофиқ 15-жадвалга биноан белгилаш лозим бўлади.

– Ҳафта охирида вақти-вақти билан қисқа муддатли (1-2 кун) дам олиб туриш. Бундай дам олиш турини ташкил қилиш учун табиий ёки сунъий барпо этиладиган, табиий компонентларга (сув, яшил ўсимликлар, рельеф, юксак эстетик хусусиятлар) бой бўлган, посёлкадан транспортда 1 - 1,5 соатда етиб олиш мумкин бўлган доирадаги қулай жойлардаги махсус ҳудудлар ажратилиши лозим²⁵.

²⁵ Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й

– Эпизодик, узоқ муддатли дам олиш. - катта ёшдаги аҳоли ҳар йилги меҳнат таътили вақтида ва мактаб ёшидаги болалар ёзги таътиллار пайтида ана шундай дам олиши учун мўлжалланади. Улар - санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар, мотеллар, болаларнинг соғломлаштириш муассасалари, болалар муассасаларининг ёзги боғқовчилари бўлиши мумкин.

Хўжаликда тавсифномаси туманлар-ни режалаштириш лойиҳасида кўрсатилади-ган туман, вилоят ёки республика аҳамияти-га эга қимматли рекреацион ресурслар мав-жуд бўлганида улардан кўриб чиқиладиган хўжаликда яшайдиган аҳолининг дам оли-ши учун фойдаланиш имкониятини белги-лаш зарур.

Спорт бинолари ва иншоотлари тармоғи жисмоний-маданий тарбия талаблари-ни қондириш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалик корхонасининг бутун аҳо-лисига қуйидагича тамойилга кўра хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиб лойиҳалашти-рилиши лозим:

– Спорт билан ҳар куни шуғулланиш учун- мактаб ўқувчилари ва катта ёшдаги аҳолининг спорт ўйинлари ва машғулотлари учун майдончалар, улар пиёда 5-10 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойларда (тураржой гуруҳлари ичида, мактаб қошида, маҳалла маркази яқинидаги рекреацион комплексда) жойлаштирилиши лозим.

Катта ёшдаги аҳоли ва болаларнинг мустақил тарзда ва умумий жисмоний тайёргарлик гуруҳлари (саломатлик гуруҳ-лари) ва спорт секцияларида тренер раҳбар-лигида мунтазам равишда шуғулланиш учун.

Мунтазам равишдаги машғулотлар учун спорт маркази пиёда 30 минутда етиб олиш мумкин бўлган жойларда жойлашти-рилиши керак.

Спорт иншоотларини лойиҳалашти-ришда улардан кўп мақсадларда фойдала-ниш тамойилига асосланиш лозим бўлади.

Маъмурий ва жамоатчилик ташкилотлари.

Маъмурий бинолар, молия, алоқа муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, жамоатчилик тартиби бўлимлари, қишлоқ кенгашлари посёлканинг жамоатчилик маркази ҳудудида жойлаш-тирилиши ва маъмурий-жамоатчилик хизматининг тўлиқ кўрсатилишини таъминлаши керак, диний муассасалар бундан мустаснодир.

Биноларни имкони борича бирлаш-тириш керак.

Жойлаштириш ҳажми ва жойи ҳар бир муайян ҳолатда лойиҳалаштиришга доир топшириққа биноан белгиланади.

Биолар ва муассасаларнинг тавсия қилинадиган рўйхати, уларнинг сифими ва қишлоқ хўжалик корхонасининг аҳоли пунктлари бўйича жойлаштирилиши 11, 12, 13, 14-жадвалларда келтирилган.

III Боб бўйича хулоса

Қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги ишлаб чиқаришнинг узвий мужассамлиги қишлоқ аҳолиси турмуш тарзининг барча соҳаларида, шу жумладан аҳоли пунктларининг ҳудудий ташкил қилинишида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй беришини англатади. Бунга қуйи маъмурий туманларнинг ҳудудлараро тизимларини ташкил қилувчи алоқалар тузилмасидаги ўзгаришлар ёрдам беради – ишлаб чиқаришнинг анъанавий ташкил қилинишида унга нисбатан ташқи, тарқоқ, экстенсив ва нобарқарор бўлган алоқалар аграр-саноат интеграцияси шароитида ички марказларга йўналтирилган, локаллаштирилган, максимал даражада барқарор ва интенсивлашган кўринишга эга бўладилар. Айнан шундай шароитларда янги қишлоқлараро марказлар – шаҳар маданияти ва турмуш тарзининг ўзига хос ўчоқлари - шаклланади ва фаоллашади. Шу билан бирга чекка қишлоқларнинг шаҳарлар билан алоқа доираси кенгайишини таъминловчи инфратузилманинг ҳам жадал ривожланиши кузатилади.

Қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги ишлаб чиқаришнинг интеграцияси аввалдан қуйидаги иккита асосий масала ҳал қилинишини белгилаб беради: қуйи маъмурий туман чегарасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналар даражасида маҳаллий тизим ташкил қилиш марказларининг ривожланиши ва зичлашуви ҳамда ушбу марказлар билан чекка қишлоқлар ўртасидаги кундалик алоқа функцияларини таъминловчи транспорт коммуникацияси тизимларининг кенгайтирилиши.

Қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли пунктларини маҳаллий марказларнинг таъсир доирасига киритиш масаласи нафақат миқдорий, балки сифатий жиҳатга ҳам эгадир. Агар миқдорий жиҳат жойлаштиришнинг маҳаллий

тизимлари учун оптимал параметрларини (истикболли қишлоқ аҳоли пунктларининг сони, марказлар ва коммуникациялар жойлаштирилишининг зичлиги) белгилашдан иборат бўлса, қайсики, ана шу шартлар бажарилганидагина ушбу тизимларнинг уйғунлашган боғлиқлиги, функционал батартиб равишда ривожланишини максимал даражада таъминлаш имконияти яратилади, сифатий жиҳат эса – ана шу алоқаларни ўзгариши, технологик нуқтаи назарида уларнинг такомиллашувидан иборат бўлади. Бу жиҳатлар турли ҳудудларда ўзларининг специфик мужассамлиги, масштаб ва пропорцияларида намоён бўлиши қишлоқ ҳудудлардаги аҳоли пунктлари жойлаштирилишининг республиканинг турли минтақалари учун турлича долзарб аҳамият касб этишини белгилайди. Бу муаммо, айниқса, аҳолининг сийрак жойлашуви даражаси максимал бўлиши ва тизим ташкил этувчи марказларнинг сийраклашган тармоқлари ҳамда транспорт коммуникациялари айтарли ривожланмаган ҳудудларда анча долзарб бўлади. Бу каби ҳолатларни республиканинг кам ўзлаштирилган ҳудудларида кузатиш мумкин:

Якуний хулоса

Мазкур диссертацияда кўриб чиқилган Ўзбекистондаги агросаноат интеграцияси шароитларида қишлоқ аҳоли пунктлари жамоат марказларини меъморий-режали ташкил этиш масалалари ушбу муаммо мураккаб ва кўп қиррали хусусиятга эга эканлигидан далалот беради. Бу муаммо, Республика, унинг вилоятлари ва туманлари ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳасида кечаётган жараёнларни акс эттириш баробарида, доимий равишда ривожланмоқда ва ўзгариб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясининг концепциясида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг асоси сифатида кўрилмоқда.

Ана шу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда турли кўриниш ва ҳажмларга эга бўлган турлича жойлашув шакллари – аҳолисининг сони 100-500 кишига бўлган майда ва 3000-5000 киши ёки ундан ортиқ бўлган йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг мавжудлигини ҳақли равишда қабул қилиш ва уларнинг жамоат марказларини шакллантириш масалаларига жиддий ёндошиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда изчил ривожланиб боратган янги иқтисодий муносабатлар шароитида қишлоқнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ масалалар кўлами янада кенгайиб, янги йўналишлар белгиланмоқда. Мисол тариқасида қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини “доналаб” ишлаб чиқишдан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини меъморий-режали ташкил этиш (ХМРТ) лойиҳасини комплекс тарзда ишлаб чиқишга ўтилаётганини келтириш мумкин. Бу каби йирик, республика миқёсида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бўйича энг оптимал ечимларни топишда умуман янгича ёндошувлар талаб этилади.

Узоқ йиллар давомида тарихий қарор топган жойлашув тизимларини кескин ўзгартирмасдан туриб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур

ўрганиб ва таҳлил қилган ҳолда, жойлашувнинг ягона тизимида самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш бўйича энг оптимал ечимларни топиш қишлоқ жойлар учун бугунги куннинг энг асосий ва долзарб муаммоларидан бир ҳисобланади.

Кичик ва майда қишлоқларни сақлаб қолиш масаласи фақатгина иқтисодий ва гуманитар мақсадлардан келиб чиқмаганини таъкидлаш зарур. Тарихий қарор топган ва шаклланган қишлоқ аҳоли пунктларининг аксарияти нафақат мустақил маданий-тарихий объектлар сифатида кадрланади, улар ландшафтнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, жойлашган ҳудудларининг ташқи қиёфасини белгилаб берувчи асосий элементлари сифатида қабул қилинади.

Бугун қишлоқ фуқаролари йиғинидаги ишлаб чиқариш фаолияти ва ижтимоий ҳаётнинг янги кўринишлари вужудга келган. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида мустақил шаклда ёки ем-хашак тайёрлаш, пахта ва гўшт етиштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш, ишлаб чиқариш, турар-жой, жамоат биноларини куриш ва таъмирлаш каби кўпгина фаолият турлари билан шуғулланувчи хўжаликларни бирлаштирган агрофирмалар таркибида фаолият кўрсатаётган кўплаб деҳқон ва фермер хўжаликлари мавжуд.

Шунинг учун ҳам, янги иқтисодий муносабатлар шаклланаётган ва ривожланаётган, агросаноат интеграциясининг янги ташкилий-иқтисодий шакллари вужудга келаётган бугунги кунда қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкил этиш кун тартибидаги энг муҳим масалаларнинг бири бўлиб келмоқда.

Ҳозир қишлоқ фуқаролар йиғинларининг жойлашув тизимларидаги қишлоқ аҳоли пунктлари учун бош режалар схемаларини ишлаб чиқиш бўйича янги лойиҳавий таклифларни ишлаб чиқишга эҳтиёж катта. Муайян қишлоқ аҳоли пункти учун ишлаб чиқиладиган лойиҳа маҳаллий омиллар мажмуасини (табiiй-иқлимiiй шароитлар, қишлоқ аҳоли

пунктнинг жойлашувнинг маҳаллий тизимидаги ўрни ва ш.к.) ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқиладиган лойиҳаларда ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктнинг ташқи қиёфаси ушбу ҳудуднинг табиий муҳити ва ландшафтига уйғун равишда мос бўлиб, фақат ўзига хос бетакрор кўринишга эга бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади. Бунда қишлоқ аҳоли пункти таркибидаги ҳар бир турар-жой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларининг жойлашуви ва ўзаро боғланиши катта аҳамият касб этади.

Қишлоқ архитектураси масаласини меъморий муҳитнинг бир кўринишдан бошқа кўринишга ўзгариб бориши, функционал зоналаш схемаларининг нафақат икки ўлчамли, балки уч ўлчамли фазовий муҳитда интеграцияси шароитларида ҳал қилиш зарур. Бугунги кунда, маҳаллий аҳоли учун мулоқот қилиш жойининг анъанавий кўриниши ҳисобланган оддий чойхона, агар у деҳқон-фермер хўжалигининг истикомат-ишлаб чиқариш зонасида қурилган бўлса, атрофидаги ишлаб чиқариш, турар-жой ва жамоат биноларидан таркиб топган меъморий муҳит интеграциясини талаб қилади. Демак, қишлоқ биноларининг турар-жой, ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш каби функциялари интеграллаштирилган тузилмасини яратиш масаласи ҳал қилиниши баробарида анъанавий қишлоқ уйининг бетакрор қиёфасини ҳам таъминлаш талаб қилинади.

Бугуннинг ўзидаёқ қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқалардаги хўжалик юритиши, ижара пудрати ва кооперация шароитларида ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларнинг қандай шакл, қайси кўринишга эга бўлиши масаласини белгилаш зарур. Бунда ҳар бири ўзининг шахсий томорқасига эга бўлган турар-жойлардан иборат кўчаларнинг анъанавий тизими сақланиб қолиши ёки ер майдонлари, муҳандислик иншоотлари бирлаштириган қўшни оилаларнинг кам қаватли комплекслари (турар-жой, хизмат кўрсатиш ва қисман ишлаб чиқариш функциялари бирлаштирилган ихтисослаштирилган кооперативлар)

тузилиши мумкин. Шахсий томорқа хўжалигини юритиш функциялари босқичма-босқич посёлканинг ишлаб чиқариш ва хоп ашё зоналарига кўчирилиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Агросаноат қурилиши амалиётига ижтимоий ва ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштирилган кўп функцияли турар-жой биноларини татбиқ этиш бўйича изланишлар ҳам долзарб масалалар қаторига киритилган. Бунда қишлоқ жойлардаги турар-жой бинолари лойиҳаларининг маҳаллий шароитларга мос ва ўзгарувчан, келгусида шакл ва таркибий жиҳатдан ривожлантиришга мўлжалланган турли вариантлари ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Бунёдкорлик йўлидан”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996 й;
2. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 й;
3. Шарль Фурье, “Современное градостроительство”. Главные проблемы”, (М., 1962); “Градостроительство и районная планировка. Состояние и перспективы развития”, М., 1962 й; “Опыт районной планировки и градостроительства за рубежом”, М., 1962 й;
4. Бунин А. В. ва Саваренскаялар Т. Ф., “История градостроительного искусства”, т. 1-2, 2 изд., М., 1979 й;
5. Авдотьин Л.Н., Лежава И.Г., Смоляр И.М. лар, “Градостроительное проектирование”, М., 1971 й;
6. Иконников А.В, “Основы градостроительства и планировки сельских населённых мест”. М., 1982 й;
7. Виншу И.А. “Архитектурно – планировочная организация сельских населенных пунктов”. М., Стройиздат, 1986 й;
8. “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси”. Тошкент, 2002 й;
9. Аҳмедов М.Қ. “Шаҳарлар эстетикаси” ўқув қўлланма, Тошкент 2014 й;
10. Х.К.Турсунов, М.У.Умаров, Ш.Д.Очилов “Ўзбекистон қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштириш”. Тошкент, 2012 й;
11. Исамухаммедова Д.У. ва Адилова Л.А. “Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси”, Тошкент, “Чўлпон”, 2009 й;
12. “ШНҚ 2.07.01-03 Шаҳарсозлик”. Тошкент, 2009 й;
13. “ШНҚ 2.07.04-06 Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини режалаштириш ва ташкил қилиш”. Тошкент, 2006 й;
14. Нильсен В.А. “У истоков современного градостроительства Узбекистана”. Ташкент 1988 й.
15. Пўлатов Х. “Шаҳарсозлик тарихи”. Тошкент, 2008 й.

16. Ўзбекистон географик атласи. Тошкент. 2001 й.
17. Турсунов Х.К. Формирование архитектурно-планировочной структуры районных центров в перспективных системах расселения (на примере орошаемых районов Узбекистана): Автореф. дисс. канд. арх. – Л., 1973. – 26 с.
18. Турсунов Х.К. Градостроительные основы развития систем населённых мест Республики Узбекистан (теоретические предпосылки и методология проектирования): Автореф. дисс. докт. арх. – Ташкент, 2000. – 65 с.
19. Турсунов Х.К. Региональные проблемы развития городских и сельских поселений Узбекистана. – Ташкент: УзНИИПградостроительства, 1976. – 114 с.
20. Турсунов Х.К. Прогнозирование развития систем населенных мест Узбекистана. – Ташкент: УзНИИПградостроительства, 1978. – 133 с.
21. Эсенов А. Ландшафтно-климатические основы градостроительства в Средней Азии. – М.: ЦНТИ, 1971. – 37 с.
22. Яргина З.Н. Градостроительный анализ. – М.: Стройиздат, 1984. – 244 с.
23. Турсунов Х.К. Особенности и пути развития процессов урбанизации и расселения в Узбекистане //Проблемы расселения и пути совершенствования застройки городов Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1982. – с. 24-30.
24. Турсунов Х.К. Города и сеть населенных мест – объекты регионального градостроительного исследования и проектирования //Архитектура стран Востока и проблемы архитектурного образования (мат-лы международной научн. конф.). – Баку, 1993. – с. 117-119.
25. Турсунов Х.К., Латипов Д.В. Градостроительная деятельность в новых условиях развития Узбекистан //Проблемы архитектуры и строительства (научно-технический журнал), 2004, № 4. – с.44-46.
26. Турсунов Х.К., Латипов Д.В. Пространственная интеграция

- городских и сельских населенных пунктов //Проблемы архитектуры и строительства (научно-технический журнал), № 1. – с. 22-26.
27. Турсунов Х.К., Бакирханов Ф.Ф., Кадыров А.Б., Умаров М. Концептуальные направления развития населённых пунктов Узбекистана //Архитектура ва қурилиш муаммолари. – Ташкент: ТАСИ, 2006. – с. 8-10.
28. Турсунов Х.К., Умаров М., Кадыров А.Б. Города и сельские населённые пункты в структуре расселения Узбекистана //Урбанизм (научно-технический журнал). – Баку, 2006,
29. Убайдуллаев Х.М., Коробовцев Г.И. Смотр работ выпускников архитектурных ВУЗов страны. - Архитектура и строительство Узбекистана, 1986,
30. Умаров М., Бакирханов Ф.Ф. Городские и сельские поселения – объекты взаимосвязанного развития //Архитектура и строительство Узбекистана, 2001,
31. Умаров М., Турсунов Х.К., Бакирханов Ф.Ф. Ориентиры совершенствования сельского расселения в Узбекистане //Проблемы архитектуры и строительства (научно-технический журнал), 2002 № 1-2.
32. Умаров М. Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений. Раздел «Развитие малых городов и сельских населённых мест». – Ташкент: ТАСИ, 2008. – с. 250-260.
33. Умаров М. Сельские населённые пункты в системе расселения Узбекистана //Архитектура и строительство Узбекистана, 2009, № 1.
34. <http://www.natlib.uz> – Ўзбекистон миллий кутубхонаси.
35. <http://www.archunion.com> – Меъморий энциклопедия
36. “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши” журналлари. Тошкент. 2001-2009й.

Аҳолининг, айниқса, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг шароитларининг яхшиланиши республикамизнинг аграр секторида жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир этилишини назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мазкур муаммога доимо жиддий эътибор қаратиб келган ва шунинг учун ҳам 2009 йилнинг **“Қишлоқ ривожланиши ва фаровонлиги йили”** деб эълон қилиниши бежиз эмас²⁶. Алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган амалларнинг мазмун-моҳияти ва энг муҳим йўналишлари қабул қилинган Давлат дастурида аниқ ва равшан белгилаб берган. Дастурдаги “алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир”²⁷.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган табиий, ижтимоий-демографик ва бошқа шарт-шароитлар қишлоқ қиёфасини ўзгартириш учун етарлича дастлабки шартларни яратиш имконини беради.

Яқин кунларгача урбанистика бўйича аксарият тадқиқотлар, гарчи урбанизация жараёни давомида шаҳарларнинг алоқалари кенгайиб, чегаралари ёйилиб кетсада, асосан шаҳарларга бағишланар эди. Ривожланаётган шаҳарлар ўз таъсир зоналарини фаол кенгайтирган ҳолда қишлоқ жойлардаги турмушга сезиларли даражада таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам уларнинг истиқболли ривожланиши масалалари ён-

²⁶“Қишлоқ ҳаёти” газетаси, 2008, 6 декабрь, № (147-148). - 1-бет.

²⁷И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 41-бет.

атрофдаги қишлоқ аҳоли пунктларини ҳисобга олиб туриб ҳал қилиниши лозим.

Ривожланган илм ва таълим ҳамда ижтимоий инфратузилмаларга эга бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашув тизими ва ишлаб чиқаришнинг аксарият қисми талабларига тўлиқ жавоб бера олмайдилар ва ривожланиш суръатлари ошишига тўсқинлик қиладилар. Яшаш муҳити яхшиланишига, қишлоқ аҳоли пунктларидаги инфратузилма ривожланиши даражасига нисбатан ошиб бораётган талабларни рағбатлантиради. Шу сабабдан ҳам, аҳолининг меҳнат қилиши, таълим олиши, маиший турмуши ва ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган жойларнинг турлича бўлиши қишлоқ жойлардаги жойлашув тизимини истиқболли ташкил этилишининг энг муҳим ижтимоий мезони сифатида қабул қилинади.

Жамоат марказини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғини ташкил этиш. Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш қишлоқ аҳоли пунктларини ўзгартиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда қишлоқ жамоат биноларининг режали тузилмаси ва типологиясини қишлоқлараро хизмат кўрсатишнинг ягона тизими ижтимоий, шаҳарсозлик, композицион нуқати назарда рационал бўлган посёлканинг жамоат марказини ташкил қилиш асосида шакллантириш кўзда тутилади.

Қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими. Қишлоқ хўжалигини саноат асосида юритишга ўтиш, транспорт ва алоқа воситаларини, коммуникация инфратузилмасини ривожланиши, жойлашув тизимларининг шаклланиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими яратилиши учун асосий дастлабки шартлар бўлиб хизмат қилдилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида шаклланаётган жойлашувнинг янги тизимида бундай ўзгаришларни амалга ошириш реал воқелик сифатида қабул қилинмоқда. Жойлашувнинг бундай

тизими шаҳар ва қишлоқ учун ягона жойлашув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Жамоат маркази ҳудудининг функционал жиҳатдан оқилона ташкил этилишида уни аниқ белгиланган вазифалар (маъмурий, маданий-маърифий, савдо-маиший, таълим муассасалари, дам олиш ва спорт) бўйича бўлинган ҳолда ягона режавий-ҳажмли зона яратилишига эътибор қаратиш лозим киради. Маъмурий зона қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурияти биноси, агрофирма бирлашмасининг бошқаруви, алоқа бўлими, омонат кассаси, АТС биноларидан таркиб топиб, кундалик меҳнат фаолиятининг маркази сифатида асосан эрталаб ва кундузи ишлайди. У шохлари кенг дарахтлар, бостирма ва галереялар ёрдамида қуёш нурларидан максимал ھимояланган бўлиши зарур. Ундан ташқари, маъмурий зонада қулай транспорт кириш йўли, автомобиль тураргоҳи ташкил этилиб, бу зона ишлаб чиқариш зонаси билан қулай боғланган бўлиши лозим.

Савдо-маиший зона таркибига озиқ-овқат ва саноат-хўжалик моллари дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, умумий овқатланиш корхоналари (ошхона, кафе ва ҳк.) киради. Мемориал зона жамоат марказида ҳам, парк ёки посёлканинг ансамбли ўртасида композицион боғлиқлик бўлиши зарур.

Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида қишлоқ посёлкаларининг жамоат марказлари жойлаштирилишида, уларнинг функционал-режали ва меъморий-ҳажмий ташкил этилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Текисликлардаги воҳоларда марказ энг қулай, микроиклим яратиш имкони берувчи, ҳудуд аэрацияси етарлича бўлган ва биноларни иссиқдан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган участкада жойлаштирилиб, посёлкадаги устувор ҳолатни эгаллаши лозим. Аҳолиси 100-300 кишидан иборат чекка қишлоқларда (деҳқон, фермер хўжаликларининг истиқомат-ишлаб чиқариш марказларида) таркибида бошланғич мактаб, оилавий

болалар боғчаси бўлган турар-жой биноларини (ўқитувчи уйи), тиббиёт пункти ва дорихонаси бўлган турар-жой биноларини (шифокор уйи), шунингдек новвойхона, чойхона, дўкон бўлган турар-жой биноларини қуриш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик юретишнинг янги шакллари келгусидаги ривожланиши қишлоқ ҳовлиларида қўшимча ёрдамчи иморат ёки қурилмалар, устахоналар ва омборлар қурилишини тақозо қилади. Шу билан бирга, ишчи хоналарнинг қулайлик даражаси асосий параметрлари бўйича турар-жой хоналаридаги қулайликларга яқинлашиши зарур. Ана шу талаблар қишлоқ турар-жой ва жамоат биноларининг янги хўжалик тузилмалари ва кичик қишлоқлар эҳтиёжларига жавоб берадиган янги лойиҳаларини ишлаб чиқишига сабаб бўлди.

ИЛОВАЛАР

**МАДАНИЙ-МАИШІЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ТАЛАБ ЭТИЛГАН
СИҒИМИНИ ҲИСОБ-КИТОБИ**

4-жадвал

Хизмат кўрсатиш муассасаси ёки корхонасининг номланиши	Ўл. бир- лиги	1000 киши учун ҳисобланган норма		Ер участкаси нинг ўлчам- лари	Хизмат кўрсатиш радиуси, м	Эслатма
		1-навбат учун	Ҳисоблан ган муддат учун			
1	2	3	4	5	6	7
1. Болалар боғча- яслилари						
А) Кундузги	ўрин лар	Мактабгач а ёшдаги болалар- нинг 65% ли камрови	Мактабгач а ёшдаги болалар- нинг 75% ли камрови	25 ўрингача 50м ² /ўрин 90 ўрин 40м ² /ўрин 90 дан 500 ўрингача 35м ² /ўрин	500-700	- болаларнинг қамраб олиниши 100% бўлган аҳоли пунктларида 1- навбат ва ҳисобланган муддат учун бир хил қабул қилиш лозим - бошланғич мактаб билан бирлаштирилган боғча- яслилар учун мувофиқ сиғимли алоҳида муассасалар-нинг ер участкалари қўшилиши керак, бунда қўшилган майдонни 10% дан кўп бўлмаган миқдорга камайгиришга йўл қўйилади.
Б) Кругло- суточные	ўрин лар	С летним расширением до 85% охвата детей			--:--	- Ясли-боғчалар ер участкалари майдон- ларини қуйидаги ҳолат- ларда камайгиришга йўл қўйилади: 25% га - реконструкция қилинганида. 15% га - улар нишабилиги 20% дан ортиқ, шунингдек участка элементлари биноларнинг том- террасаларида жойлаштирилганида - катта ва йирик қишлоқларда хизмат кўрсатиш радиусининг юқори чегарасини чизиқли ва бўлинган режа билан қабул қилиш лозим.
1	2	3	4	5	6	7
2. Умумтаълим мактаблари						- сиғими 40 тагча ўқувчи учун мактаблар ер участкаси лойиҳалаш

А) Бошлангич мактаб (I-IVсинфлар)	ўқувчи-лар	Ўқитиш бир сменали бўлганида 6-9 ёшли болаларнинг 100% ли қамрови	60м ² /ўрин 40 дан 100 тагача ўқувчи 50м ² /ўрин 100 дан 300 тагача ўқувчи	500-750 м	топшириғи билан белгиланади - синфлари тўлдирилиши кам бўлган мактаблар, шунингдек реконструкция шароитларида ер участкаларини 20% гача камайтиришга йўл қўйилади. - ўқув-тажриба ишлари учун участкаларни истиқомат ҳудудидан ташқарида санитария-ҳимоя зоналарида ва қишлоққа ёндош қ-х корхонаси ҳудудларида жойлаштириш керак. - мактабдан ташқари муассасаларни мактаб ва клублар билан бирлаштиришга йўл қўйилади
Б) Асосий мактаб (I-IXсинфлар)	--:--	Ўқитиш бир сменали бўлганида 7-14 ёшли болаларнинг 100% ли қамрови	60м ² /ўрин 50 дан 300 тагача ўқувчи 50м ² /ўрин Св.300 дан 400 тагача ўқувчи 50м ² /ўрин 200 дан 400 тагача ўқувчи 36м ² /ўрин 400 дан 600 тагача ўқувчи 29м ² /ўрин 400 дан 600 тагача ўқувчи 25м ² /ўрин 700 дан 1100 тагача ўқувчи	750-2000 м	
В) Коллеж, лицей, гимназиялар (I-XIIсинфлар)	--:--	Ўқитиш бир сменали бўлганида 15-16 ёшли болаларнинг 50% ли қамрови	Ўтокхона корпуси жойлаштирилган ҳолатларда мактаб ер участкасини 0,2 гектарга қўпайтириш зарур		
Г) Мактаб ўқувчилари учун интернат	ўрин	Транспорт ёки пиёда қатнашнинг 30 дақиқали чегарасидан ташқарида яшовчи ўқувчиларнинг 100% ли қамрови			
Д) Ўқув устахоналари, цехлар ва мактабдан ташқари болалар муассасалари (ёш техниклар станциялари, спорт, мусиқа, бадий мактаблар)	--:--	Маҳаллий шароитлар, лойиҳа топшириғи бўйича. Тегишли асосланишлар мавжуд бўлганида махсус топшириқ бўйича қуйидагилар лойиҳаланиши мумкин: от-спорт мактаблари, вело-, мото-, автодромлар, картинг майдонлари, трактор полигонлари, сув станциялари, яхт-клублар, чанғи базалари (тоғли ҳудудларда)			
Е) Дам олиш ва меҳнат лагерлари	--:--	Лойиҳалаш топшириғи бўйича			

1	2	3	4	5	6	7
3. Соғлиқни сақлаш муссасалари						
А) Касалхона (участка ёки посёлка)	ўрин	12-13,5 кўшимча: туман касалхонасида 1 та ўрин, вилоят касалхонасида 1-1,5 та ўрин		_1 га_ 50 ўрин _2 га_ 100 ўрин	Транспортда қатнаш вақти 30 дақиқадан 1 соатгача	- қишлоқ касалхонаси ўз аҳолисининг сони 4 минг кишидан кўп бўлган ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида, умумий сони 4 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари гуруҳларининг марказларида кўзда тутилган бўлиши лозим
Б) Поликлиника	объект	Қишлоқ аҳоли пункти ва уларнинг гуруҳидаги аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлса - 1 та	Курилиш майдони (кириш йўллари билан) 0,05 гектаргача		Транспортда-пиёда қатнаш вақти 40 дақиқа	- хўжаликда поликлиника, амбулаториялар билан бирлаштирилган камида битта дорихона бўлиши керак. Ҳар бир фельдшер- акушерлик пунктида дорихона киоски кўзда тутилиши лозим.
В) Қишлоқ врачлик амбулаторияси, стационари, лаборатория ва дорихонаси билан	--:--	Қишлоқ аҳоли пункти ва уларнинг гуруҳидаги аҳоли сони 2 мингдан 10 минг кишигача - 1 та		--:--	Транспортда-пиёда қатнаш вақти 30 дақиқа	- болалар сут ошхоналари, одатда, тиббиёт муассасалари билан бирлаштирилади; бунда ер участкасининг умумий майдонини 40-50% га камайтириш лозим.
Г) Фельдшер- акушерлик пункти, 1-2 ўринли стационари билан	--:--	Посёлок ва уларнинг гуруҳидаги аҳоли сони 500 дан 1000 тагача бўлса – 1 та		--:--	Транспортда-пиёда қатнаш вақти 30 дақиқа	Аҳолиси 500 кишидан кам бўлган посёлка ва уларнинг гуруҳлари учун
Д) Тиббий пункт	--:--	Посёлок ёки гуруҳ аҳолиси 500 тагача бўлса – 1 та		--:--	--:--	махсус транспортда энг яқин сут ошхонасидан болалар овқатини етказиб бериш кўзда тутилиши лозим.
Е) Дорихона ёки киоск	--:--	Жамоа хўжалиги учун камида 1 та		--:--	--:--	Мувофиқ тарзда ясли ёки озик-овқат дўконларида
Ж) Болалар сут ошхонаси ёки тарқатиш пункти	сутқада ги порция-лар	Лойиҳалаш топшириғи бўйича, 1000 киши учун 2000 (ёки 0 дан 1 ёшгача бола учун 4 та порция). аҳолиси 500 тагача бўлган посёлок ёки гуруҳ учун – 1 та		300 порциягача - 0,05 га; 300-400 порция - 0,12 га;- 400-600 порция - 0,15 га	500-800м	болалар овқатини сақлаш ва тарқатиш хоналари ташкил қилиниши керак.
1	2	3	4	5	6	7

4 Қариялар ва ногиронлар учун интернат	Ўрин	Лойиҳалаш топшириғига кўра битта аҳоли пункти учун 1 та, 1000 киши учун 2-4 та ўрин: Парваришга муҳтож қариялар ва ногиронларнинг сонига қараб жойларда аниқлаштирилади	Лойиҳа топшириғи бўйича белгиланган ади бир ўрин учун - 100-150 м ²	--:--	Марказий аҳоли пунктларида, тинч турар-жой кўчаларида тиббиёт муассасалари ёнида жойлаштирилади
5. Жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари	Га	0,5 – 0,9 Ҳисоб бўйича ҳар бир аҳоли пунктида		--:--	- очик спорт иншоотларини имкон қадар аҳоли пункти чегараси ёнида жойлаштириш лозим.
Текис майдондаги иншоотлар, спорт заллари, спорт комплекслари	объект	Аҳолисининг сони 500 кишидан ортиқ бўлган ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида Мактаблар қошида қишлоқ аҳоли пунктларининг гуруҳи ёки қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудуди учун 1 соат транспортда етиб олиш мумкин бўлган жойда: 500-1000 киши яшайдиган аҳоли пункти учун- 18х9м (162 м ²) ўлчамли зал; 500-1000 киши яшайдиган аҳоли пункти учун- 25х13 м (325 м ²) ўлчамли зал; 3 мингдан 10 мингтагча аҳоли яшайдиган посёлка ва уларнинг гуруҳи учун ягона залнинг сифимини посёлка аҳолиси ва мактаб ўқувчилари учун талаб қилинган сифимлар йиғиндиси кўринишида аниқлаш лозим.		30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда	- комплекс спорт зали – посёлка ва мактаб учун умумий, одатда мактаб биноси таркибида ёки жамоат маркази ёнида жойлаштирилади. - аҳоли сони 500 кишидан кам бўлган посёлкаларда маҳаллий шароитларга кўра 18х19 м ўлчамли кичик спорт (гимнастика) зали кўзда тутилиши мумкин ва у жамоат маркази биносида жойлаштирилади - бассейн, одатда, мактаб комплекси таркибида жойлаштирилади - Аҳолисининг сони 5 мингдан 10 мингтагча бўлган посёлка ва уларнинг гуруҳлари учун каттароқ – 500 м ² ўлчамли бассейн ёки 2 та бассейн қуришга йўл қўйилади
А) Посёлка аҳолиси учун	м ² 1000 киши	40	90	Иморат майдони, кириш йўллари билан	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда
Б) Мактаб ўқувчилари учун Бассейнлар (очик ёки ёпиқ)	м ² 1 та ўқувчи объект	0,5	0,8	1 та - марказий посёлка учун, 1 соатли транспорт қатнови чегарасидаги посёлкалар гуруҳи (аҳоли сони 3 минг ва ундан кўп)	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда
		Ваннаси 25х8,5 м (сув юзаси 212 м ²) бўлган бассейн	Иморат майдони, кириш йўллари билан	30 дақиқа ичида пиёда етиб олиш мумкин бўлган жойда	

1	2	3	4	5	6	7
<u>6. Маданият ва санъат муассасалари</u> А) Қишлоқ клублари, аҳоли сони: 0,5 мингтагача 1,0 мингтагача 1,5 мингтагача 2,0 мингтагача 2,5 мингтагача 3,0 мингтагача 5,0 мингтагача 10,0 мингтагача	ўрин		100 150 200 250 300 350 400 450 600 1000	0,5 – 1 га	Пиёда қатнаш вақти 30 дақиқа Пиёда қатнаш вақти 1 соатгача	- лойиҳалаш топшириғига кўра клубларда аттракционлар заллари, ўйин автоматлари, биллиард, теннис, ракс заллари ва дискотекалар бўлиши мумкин. - Оилавий клубда видеотекани лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқ
Б) Ёзги кинотеатр	ўрин	----	25	Парк таркибида	Пиёда қатнаш вақти 30 дақиқа	
В) Кутубхона	минг жилд	3,5	4,5	Мактаб таркибида, жамоат маркази клублари клублари	--:--	
Г) Оилавий клуб	ўрин	20-50	----	Иморат майдони, кириш йўллари билан тахминан 0,05 га	--:--	
Д) Ёзги ракс майдони, эстрада	--:--	Лойиҳалаш топшириғига кўра	----	Парк таркибида	--:--	
1	2	3	4	5	6	7
<u>7. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари:</u> А) Озиқ-овқат маҳсулотлар дўконлари Б) Маиший моллар	Савдо майдони --:--	90 130	95 175	Иморат майдони, кириш йўллари билан Тахминан	300м 300-	- савдо ва умумий овқатланиш тармоғини лойиҳалашда муайян қишлоқ аҳоли пунктининг хусусиятлари, унинг жойлашув тизимидаги ўрни ҳисобга олиниши зарур. Тегишли равишда келтирилган нормативларни камайитириш ёки кўпайти-

дўкони				0,03 га – 100м ² гача 0,05га – 100 дан 200м ² гача	750м	ришга йўл қўйилади. - чойхона ва новвойхоналар турар-жой массивларида жойлаштирилиши мумкин: оилавий пудрат асосида ташқил қилинганда улар турар-жой биноси билан бирлаштириладилар - Маиший хизматлар уйи, буюртмаларни марказлашган тарзда бажариш корхонаси ва кимёвий тозалаш корхонаси, одатда, туман марказида жойлаштириладилар. Марказий кўрғончаларда, корхонанинг бутун аҳолисига хизмат кўрсатиш шартида, жойлаштирилишига йўл қўйилади. - савдо, умумий овқатланиш корхоналари савдо марказига бирлаштирилганида участка майдони аҳоли сонига қараб ажратилади: Аҳоли сони 3 минг кишигача бўлганида – битта объект учун 0,2 га; Аҳоли сони 3 мингдан 5 минг кишигача бўлганида – 0,4 га; Аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлганида – 0,6 га; Аҳоли сон 10 минг кишидан кўп бўлганида – 1,2 га. Реконструкция ва тоғли худудлар шароитида алоҳида савдо ва маиший корхоналари ер участкалари 15% гача камайтирилиши мумкин. Кўрсатилган сифим нормларини 30% гача, кичик қишлоқ пунктларида эса – 50% гача камайтириш ёки қўпайтиришга йўл қўйилади.	
В) Умумий овқатланиш корхоналари: қишлоқ аҳоли пунктида, ишлаб чиқариш зонасида, дала шийпониди Чойхона	Мест --:-- ўрин м/сут ка	30 22 10 0,5 Лойиҳа топшириғи бўйича					
Новвойхона							
Г) Комплексные приемные пункты	Иш ўрин лари	1,3	1,5	Жамоат ёки савдо маркази таркибида			
Д) Маиший хизматлар уйи	--:--	2,5	3,3	Одатда, туман марказида			
Е) Буюртмаларни марказлашган тарзда бажариш корхонаси	--:--	1,7 Аҳоли сонига кўра	2,2	Катта ва йирик аҳоли пунктлари учун жамоат ёки савдо маркази таркибида, мустиқил жойлаштирил- ганида битта объект учун 0,2 га 0,2 га на объект. Одатда, тумандаги кимёвий тозалаш фабрикасида (буюртмани еткази бериш билан)			
Ж) Ҳаммом, кир ювиш корхонаси З) Кимёвий тозалаш корхонаси							
1	2	3	4	5	6	7	
<u>8. Маъмурий бошқарув, молия, алоқа ташқилотлари ва муассасалари.</u>							
А) Маъмурий бинолар	объект	Қишлоқ аҳоли пункти учун битта		Барча муассаларни битта ёки иккита бинода	--:--		
Алоқа бўлинмаси	--:--	1,5 минг кишига		жойлаштириш			

Б) Автоматик телефон станцияси	телефон-лар сони	бигта муассаса 10 та 1 оилага оилага 1 1 та та	мақсадга мувофиқ: участка майдони 0,04-0,06 га	--:--	
В) Омонат кассаси	объект	38 минг кишига бигта.		--:--	
Г) Участка милиционери хонаси (таянч пункти)	--:--	Бигта посёлка учун 1 та		--:--	
	2	3	4		7
<u>9. Коммунал хўжалик муассасалари</u>					
А) Уй-жой-эксплуатация хизмати	объект	Бигта қишлоқ аҳоли пункти учун 1 та (катта бўлмаган устахонаси ва омбори билан)	--:--	--:--	Маъмурий бино таркибида жойлаштириш лозим
Б) Меҳмонхона	ўрин	3-5 6	Бигта объект учун 0,02 дан 0,15 гектаргача, сифими 4 дан 25 ўрингача	--:--	Маҳаллий шароитларга кўра норматив камайтирилиши мумкин. Меҳмонхоналарни марказий аҳоли пунктларида жойлаштириш керак
В) Ўт ўчириш депоси	объект	5 минг киши учун 1 та машина, лекин бигта объект учун камида 2 та машина. Қолган аҳоли пунктларида ўт ўчириш постлари ва сув ҳавзалари кўзда тутилади	1 та объект учун 0,3 – 0,6 га		Ўт ўчириш деполари аҳолисининг умумий сони 5 минг ва ундан кўп кишидан иборат аҳоли пунктлари марказида, санитария-ҳимоя зонасида ёки машина-трактор парки ҳудудида жойлаштириш лозим: қишлоқ аҳоли пунктнинг истиқомат ва саноат зоналарига хизмат кўрсатиши керак. Ўт ўчириш депоси умумий тармоқ йўлларида чиқиш учун қулай йўللарга эга бўлиб, чорва ҳайдаладиган йўллар билан кесишмаслиги зарур.
Г) Жамоат ҳожатхоналари	ўринлар сони	100 ташриф буюрувчига 1 та ўрин, лекин иккитадан кам эмас	--:--	--:--	Жамоат ёки савдо марказида ёзги кинотеатр, ракс майдончаси, саноат зонасидаги автобус бекати ёнида, мактаб ва болалар муассасалари участкаларида жойлаштирилиши лозим.

Д) Қабристон	объект	Бигта аҳоли пункти ёки уларнинг гуруҳи учун бигта	1000 кишига 0,01 га	--:--	Турар-жой ва жамоат биноларидан камида 300 метр узоқликда, кириш йўлини қаттиқ қопламали қилиб жойлаштирилиши лозим.
ЭСЛАТМА: Сахро ва ярим сахро зоналарда, шунингдек 12% дан ортиқ нишабликка эга тоғли шароитларда кундалик фойдаланиш муассасаларига чаканлик етиб олиш радиусларни камайтириш зарур, лекин ҳар бир муассасага нисбатан юқори ва пастга камайтириш 30% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.					

11-жадвал

Маданий-маиший мақсаддаги объектларнинг тавсия қилинадиган рўйхати ва уларнинг посёлкаларда жойлаштирилиши юзасидан таклифлар

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони куйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		100-200	201-500
1	2	3	4
1.	Маҳалла маркази	1 объект	1 объект
	Маъмурий хона	48 м ²	60 м ²
	Зал - универсал (спорт; тантанали тадбирлар; рақс майдончаси)	50/100-70/100 киши/м ²	100/150-150/150 киши/м ²
	Чойхона	6-8 киши	10-15 киши
	Обиёнов новвойхонаси	24 м ² -24 м ²	24 м ² - 24 м ²
	Қандолатчилик маҳсулотлари	24 м ² -24 м ²	24 м ² -24 м ²
	Якка тартибдаги буюртмалар пункти	12 м ² -12 м ²	12 м ² -12 м ²
	Кундалик эҳтиёждаги моллар дўкони	12-15 м ² савдо зали 12-15 м ² омборхона	12-15 м ² савдо зали 12-15 м ² омборхона
2.	Тиббий блок		
	Терапевт - кенг профилдаги шифокор;	60 м ² Қ12 м ² кабинет	60 м ² Қ12 м ² кабинет
		24 м ²	24 м ²
	Патронаж ҳамшираси;	24 м ²	24 м ²
	Тиш шифокори;	24 м ²	24 м ²
	Акушер-гинеколог;	24 м ²	24 м ²
	Лаборатория		

3.	Маиший хизматлар блоки:		
	Саргарошхона;	36 м2	36 м2
	Тикувчилик устахонаси.	36 м2	36 м2

12-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		501-1000	1001-1500
1	2	3	4
1.	Қуйидагиларни ўз ичига олган маданий-маъмурий марказ: а) Маъмурий хоналар; б) Зал - универсал; в) Чойхона обинон новвойхонаси, қандолат-чилик махсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги моллар дўкони билан	78 м2 150-200 киши 20-25 киши 72 м2	100 м2 250-400 киши 35-40 киши 108 м2
2.	Офис (алоҳида қурилган бино)	50 м2	50 м2
3.	Дорихонаси ва стационари бўлган тиббий пункт 2-вариант - фельдшер хонадонидagi тиббий пункт	ҳисоб-китоб бўйича топширикка кўра	ҳисоб-китоб бўйича топширикка кўра
4.	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	4-5 турдаги хизматлар	5-7 турдаги хизматлар
5.	Саргарошхонаси ҳам бўлган ҳаммом (вариант - уй қошида)	5 нафар ташриф буюрувчи	10 нафар ташриф буюрувчи
6.	Дўкон - савдо нуқталари	аралаш савдо 5-20м2, уй қошидаги савдо нуқтаси	супермаркет 72-100 м2

13-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		1501-2000	2001-3000

1	2	3	4
1.	Маъмурий марказ	бир бино	
2.	Қуйидагиларни ўз ичига олган маданий-қўнгил очиш маркази: а) Тўғараклар; б) Томоша зали – универсал в) Ўқув зали бўлган кутубхона	4-5 хона 400-600 ўринлик 5000 том	10 кишигача 600-700 ўринлик 5000 том
3.	Маҳалла маркази	500 киши учун 1 та	
4.	Офис	топшириққа кўра	
5.	Қуйидагиларни ўз ичига олган тиббий-соғломлаштириш маркази: а) Диагностика поликлиникаси; б) Тиббий пункт; в) 15-20 койкали касалхона; г) Дорихона; д) Профилактория	хўжалик учун 1 та (топшириққа кўра)	
6.	Саноат моллари савдо маркази, ҳамма турдаги хизматлар кўрсатиладиган супермаркет (якка тартибда хизмат кўрсатадиган павильонлари ҳам бўлиши мумкин)	Умумий талаб қилинадиган савдо майдони 600 800	
7.	Чойхона обинон новвойхонаси, сомсапазлик цехи ва буюртмалар қабул қиладиган пункти билан	100 ўринлик чойхона цех 100 м2	200 ўринликкача бўлган чойхона цех 100 м2
8.	Ҳамма турдаги хизматлар кўрсатиладиган маиший хизмат кўрсатиш уйи	25-30 ўринлик	35 ўринликкача
9.	Олисдан келганлар яшайдиган уйи бўлган бозор	20-25 та савдо ўрни 10-15 та ўрин	30 тагача савдо ўрни 15 тагача савдо ўрни


№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони куйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		1501-2000	2001-3000
1	2	3	4
10.	Спорт иншоотлари: стадион, бассейн, спорт зали	ўртача, ядро 10x20 м2 12x24 м2 барча ёрдамчи хизматлар билан)	
11.	Кичик посёлкалар билан диспетчерлик алоқасига эга ёнғинга қарши кураш депоси	1 машина	2 машинагача
12.	Кичик посёлкаларга ҳам чиқиб келиш имкониятига эга болаларнинг сут ошхонаси	бир суткада 200-250 порция	бир суткада 300 порциягача

14-жадвал

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони куйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		3001-5000	5000 ва ундан кўп
1	2	3	4
1.	Маъмурий марказ. Маданий-маърифий марказ билан бирлаштирилиши ҳам мумкин	идора, 700 ўринлик универсал зал, 20 кишининг ташриф буюришига мўлжалланган тўғарақлар хоналари	идора, универсал зал, тўғарақлар хоналари блоки, жамоатчилик ташкilotлари блоки, спорт блоки.
2.	Тиббий-соғломлаштириш маркази: Диагностика поликлиникаси; Касалхона Дорихона Кичик посёлкаларга ҳам чиқиб келиш имкониятига эга болаларнинг сут ошхонаси	200 кишининг ташриф буюришига мўлжалланган 35 койка топшириққа кўра бир суткада 500 порция	200 кишининг ташриф буюришига мўлжалланган 40-50 койка бир суткада 500 порция

№ т/р	Объектлар номи	Аҳоли сони қуйидагича бўлган аҳоли пунктлари (киши):	
		3001-5000	5000 ва ундан кўп
1	2	3	4
	Поликлиника қошидаги узоқдан келганлар учун маслаҳатчилик хизмати ҳам бўлган даволаш-соғломлаштириш блоки Туғруқхона	100 киши 50 ўрин	200 киши 50 ўрин
3.	Савдо маркази: Озиқ-овқат моллари саноат моллари Супермаркет Чойхона Қаҳвахона Қандолатчилик маҳсулотларига буюртма бериш пункти, обинон, сомса	 400 м2 100 м2 100 м2 250 ўринлик 50-75 ўринлик 200 м2	 500 м2 100 м2 100 м2 300 ўринлик 100-150 ўринлик 200 м2
4.	Маиший хизмат кўрсатиш уйи	35 ишчи ўринлик	35 ишчи ўринлик
5.	Олисдан келганлар яшайдиган уйи бўлган бозор	100/40 та савдо ўрни	150/50 та савдо ўрни
6.	Миллий типдаги ҳаммом, саргарошхона, укалалаш хизмати, даволаш хоналари билан	бир сменада 15-20 киши	бир сменада 20-25 киши
7.	Спорт иншоотлари	спорт комплекси	спорт комплекси
8.	Кичик посёлкалар билан диспетчерлик алоқасига эга ёнғинга қарши кураш депоси	2 машина	2 машина

Изоҳ: Тавсия қилинадиган объектлар рўйхати ва уларнинг жойлаштирилиши лойиҳалаштирилишига доир таъкидлаш қўра аниқлаштирилиши мумкин.



24-расм. Дорихона билан бирлаштирилган турар-жой биноси.
 «Ўзқишлоққурилишлойиҳа» институти.

ҚК



Намунавий лойиха

274-14-01с.09

Ўзбекистон Республикасидаги
қишлоқ қурилиши учун 50 ўринли деҳқон бозори
зилзилабардошлиги 7-8 балл




"Қишлоққурилишлойиха"
МЧЖ



171

25-расм. 50 ўринли деҳқон бозори.
«Ўзқишлоққурилишлойиха» институти



26-расм. Маҳалла маркази.
 «Ўзқишлоққурилишлойиҳа» институти



27-расм. 200 жилдли кутубхонаси ва ижодий тўғараклари бўлган мадания уйи.
 «Ўзқишлоққурилишлойиҳа» институти

